БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 8 май
Сешанба
№ 87. (13. 523).
Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ •

ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг пленуми тўғрисида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1990 йил 4 майда Москвада ВЛКСМ МҚнинг I пленуми бўлиб ўтди.

Пленум қуйидаги масалаларни кўриб чиқди:

1. ВЛКСМ МҚ Бюросини тузиш тўғрисида.

2. ВЛКСМ МҚ доимий комиссиялари ва кенгашларини тузиш принциплари ва уларнинг асосий вазифалари тўғрисида.

3. «Комсомольская правда» рўзномасининг бош муҳарририни тасдиқлаш тўғрисида.

4. ВЛКСМ МҚ котибларини сайлаш тўғрисида.

5. ВЛКСМ XXI съезди таҳрир комиссияси кўриб чиқишига қабул қилинган ва ВЛКСМ МҚсига ҳал этиш учун берилган ҳужжатлар лойиҳалари тўғрисида.

5. Турли масалалар.

Кун тартибидаги дастлабки тўрт масала юзасидан ВЛКСМ МҚ биринчи котиби В. Зюкин ахборот берди.

ВЛКСМ Устави ва ВЛКСМ XXI съездининг «ВЛКСМ МҚ, ВЛКСМ МҚ Бюроси аъзолари ва котибларини сайлаш тартиби тўғрисида»ги резолюциясига мувофиқ федерация субъектлари сайлаб қўйиладиган органлари В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ кашшофлар Марказий Кенгаши томонидан тавсия этилган: Арманистон ЛКЁИ МҚ биринчи котиби **Г. Акопян,** Озарбайжон ЛКЁИ МҚ биринчи котиби **С. Алекперов,** Молдавия ЛКЁИ МҚ биринчи котиби **Д. Брагиш,** Туркманистон ЛКЁИ МҚ биринчи котиби **Г. Гелдиева,** Эстония ЛКЁИ МҚ биринчи котиби **Н. Гогулан** СССР ДХҚ Сарҳад қўшинлари сиёсий бошқармаси бошлиғининг комсомол иши бўйича ёрдамчиси **Г. Дзюба,** Литва ЛКЁИ Жумҳурият маркази котиби **Ю. Зобнин,** СССР Ички ишлар вазирлиги Ички қўшинлар сиёсий бошқармаси комсомол бўлимининг йўриқчиси **В. Клочков,** Белоруссия ЛКЁИ МҚ биринчи котиби **В. Кудлаш,** Украина ЛКЁИ МҚ биринчи котиби **А. Матвиенко,** Ўзбекистон ЛКЁИ МҚ биринчи котиби **А. Носиров,** В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ кашшофлар ташкилоти Марказий Кенгаши раиси **И. Никитин,** комсомол ташкилотлари Умумармия кенгаши раиси **А. Решетников,** Қирғизистон ЛКЁИ МҚ биринчи котиби **Т. Табилдиев,** Қозоғистон ЛКЁИ МҚ биркинчи котиби **И. Тасмағамбетов,** Латвия ЛКЁИ МҚ биринчи котиби **Я. Урбанович,** Тожикистон ЛКЁИ МҚ биринчи котиби **А. Ёқубов**ларнинг ВЛКСМ МҚ Бюроси аъзолиги ваколатларини тасдиқлади.

Пленум ВЛКСМ Москва шаҳар ташкилоти конференциясининг раиси, ВЛКСМ Москва шаҳар қўмитасининг биринчи котиби **В Копьев**ни ВЛКСМ МҚ Бюроси аъзоси қилиб сайлади.

Пленум « ВЛКСМ МҚ доимий комиссиялари ва кенгашлари принципларини тузиш ва уларнинг асосий вазифалари тўғрисида» қарор қабул қилди. Шунга мувофиқ ВЛКСМ МҚ 6 доимий комиссияси (ички иттифоқ муносабатларини тартибга солиб туриш, ижтимоий-сиёсий муаммолар, ёшларнинг фуқаролик ва маданий ташаббуслари, давлат органлари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамжиҳатлик, халқаро ҳамкорлик, ёшларнинг миллатлараро муносабатлари ва музофотлар муаммолари, молиявий-иқтисодий комиссиялар масалалари бўйича), ВЛКСМ МҚ 3 кенгаши (ишлаётган ёшлар муаммолари, ўқувчилар ва талабалар муаммолари, СССР Қуролли Кучлари ёшлари муаммолари бўйича) тузилди.

Пленум **В. Фронин**ни «Комсомольская правда» рўзномасининг бош муҳаррири этиб тасдиқлади ва уни лавозими бўйича ВЛКСМ МҚ Бюроси таркибига киритди.

Пленум шунингдек, «Комсомольская правда» рўзномаси таҳрир ҳайъатига ССР Иттифоқининг матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситалари тўғрисида Қонун қабул қилингандан кейин бир ой муддат ичида ВЛКСМ МҚ пленумига рўзнома редакция устави лойиҳасини киритишни топширди.

Пленум **С. Смирнов**ни ВЛКСМ МҚ котиби вазифасидан озод қилиб, уни ВЛКСМ МҚ иккинчи котиби ва ВЛКСМ МҚ Бюроси аъзоси этиб сайлади.

Пленум **В. Чепурин**ни ВЛКСМ МҚ ички иттифоқ муносабатларини тартибга солиб туриш масаласи юзасидан комиссия раиси этиб тасдиқлади ва ВЛКСМ МҚ котиби—ВЛКСМ МҚ ташкилий бўлим мудири этиб сайлади.

Пленум Ленинград Давлат дорилфунунининг катта ўқитувчиси **А. Алейников**ни ВЛКСМ МҚ ёшлар ижтимоий-сиёсий муаммолари, фуқаролик ва маданий ташаббуслар комиссиясининг раиси этиб тасдиқлади ва ВЛКСМ МҚ котиби қилиб сайлади.

Пленум СССР Олий Шўроси ёшлар ишлари бўйича Қўмитасининг кичик қўмитаси раиси **А. Шаронов**ни ВЛКСМ МҚ давлат органлари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамжиҳатлик бўйича комиссия раиси этиб тасдиқлади ва ВЛКСМ МҚ котиби қилиб сайлади.

Пленум **С. Журавлев**ни ВЛКСМ халқаро ҳамкорлик бўйича комиссиясининг раиси этиб тасдиқлади ва уни ВЛКСМ МҚ халқаро бўлим мудирлиги вазифасидан озод этиб, ВЛКСМ МҚ котиби ҳамда ВЛКСМ МҚ Бюроси аъзоси қилиб сайлади.

Пленум Молдавия ЛКЁИ МҚ биринчи котиби **Д. Брагиш**ни ВЛКСМ МҚ миллатлараро муносабатлар ва музофотлар муаммолари бўйича комиссиясининг раиси этиб тасдиқлади ва ВЛКСМ МҚ котиби қилиб сайлади.

Пленум **Н. Курзанова**ни, ВЛКСМ МҚ котиби вазифасидан озод этиб, ВЛКСМ МҚ ўқувчи ва талаба ёшлар муаммолари бўйича кенгаш раиси этиб сайлади.

Пленум **С. Епифанцев**ни ВЛКСМ МҚ котиби вазифасидан озод этиб, уни СССР Қуролли Кучлари ёшлари муаммолари бўйича ВЛКСМ МҚ кенгаши раиси этиб сайлади.

Пленум **А. Зинченко**ни ВЛКСМ МҚ Бюроси аъзоси этиб сайлади ва уни ВЛКСМ МҚ тарғибот ва ташвиқот бўлими мудири вазифасидан озод этиб, СССР ёшлар ташкилотлари билан алоқалар бўйича ВЛКСМ МҚ мувофиқлаштириш қўмитаси раиси қилиб тасдиқлади.

ВЛКСМ МҚ Бюросининг тузилиши ВЛКСМ МҚ комиссиялари ва кенгашларининг таклифларини ҳисобга олган ҳолда ВЛКСМ МҚ кейинги пленумида давом эттирилади.

ВЛКСМ XXI съездининг топшириғи бўйича пленум съезд мунозара марказлари, клублари ва делегатлари томонидан киритилган резолюциялар лойиҳалари ҳамда мурожаатномаларни кўриб чиқди, тегишли қарорлар қабул қилди. Қарорларнинг матни матбуотда эълон қилинади.

Шунингдек, ВЛКСМ МҚ пленуми бир қатор бошқа масалаларни кўрди. Пленум матбуот куни муносабати билан журналистларни, ёшлар нашрлари ходимларини табриклади.

ВЛКСМ МАРКАЗИЙ НАЗОРАТ КОМИССИЯСИ ПЛЕНУМИ ТЎҒРИСИДА

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

Москвада ВЛКСМ Марказий Назорат Комиссиясининг 1 пленуми бўлиб ўтди.

Пленум ВЛКСМда комсомол назорати тўғрисида XXI съезднинг қарорларига амал қилиб, ВЛКСМ Марказий Назорат Комиссиясининг тузилиши ҳақидаги таклифларни кўриб чиқди. Мазкур масала юзасидан ВЛКСМ МНК раиси В. Парфенов ваъз қилди.

Пленум ВЛКСМ МНК: ташкилий-методик; ҳужжатларининг ўтиши хатлар, мурожаатномалар, танқидий фикр-мулоҳазалар ва таклифларни кўриб чиқишни назорат қилиш юзасидан; молиявий-иқтисодий назорат қилиш доимий комиссияларини ташкил этди; доимий комиссияларнинг асосий вазифалари ва уларнинг алоҳида таркибларини белгилаб берди.

Пленум ВЛКСМ МНК раисининг ўринбосарини сайлади, доимий комиссия раҳбари, масъул котиб этиб В. Шуняевни тасдиқлади; шунингдек, пленум раис ўринбосарлари этиб С. Левицкая ва А. Миловни сайлади, уларни ВЛКСМ МНК доимий комиссияларининг раҳбарлари қилиб тасдиқлади.

Пленум ВЛКСМ МНК Бюросини: ВЛКСМ МНК раиси В. Парфенов, ВЛКСМ Москва шаҳар ташкилоти назорат-тафтиш комиссиясининг раиси Г Аничкин, Туркманистон ССР Небитдоғ шаҳридаги бурғалаш ишлари бошқармаси бурғаловчисининг ёрдамчиси Э. Оразгелдиев, ВЛКСМ Мари вилоят қўмитасининг биринчи котиби М. Калинов, ВЛКСМ МНК доимий комиссиясининг раҳбари, раис ўринбосари С. Левицкая, ВЛКСМ МНК доимий комиссиясининг раҳбари, раис ўринбосари А. Милов, ВЛКСМ Москва вилоят ташкилоти тафтиш комиссияси раиси С. Моргачев, Д. И. Курский номли Саратов ҳуқуқшунослик институтининг толиби В. Филипченко, Ўзбекистон ЛКЁИ Тошкент шаҳар қўмитасининг биринчи котиби Ж. Ҳакимов, ВЛКСМ МҚ «Сельская молодежь» жаридаси бош муҳаррири А. Шевелев, ВЛКСМ МНК доимий комиссияси раисининг ўринбосари масъул котиби, раҳбари В. Шуняевдан иборат таркибда тузди.

Пленум ВЛКСМ Марказий Назорат Комиссиясининг 1990 йил май-декабрь иш режаси лойиҳасини кўриб чиқди.



Пойтахтнинг Собир Раҳимов ноҳиясидаги 29-ўрта мактаб педагогика жамоаси таълим-тарбия соҳасида ибратли ишларни олиб бормоқда. Энди ўқув даргоҳида ишлаш ҳам қизиқарли бўлиб қолди.

Ютуқларни дарс бериш жараёнининг ўзгарганлиги билангина изоҳлаш унчалик тўғри бўлмас. Бу ерда синфхоналар замонавий тус олди, фан кабинетлари юқори савияда жиҳозланди.

Ўзгаришларнинг асосий ташаббускори мактаб директори Светлана Мағруповна Азизхўжаевадир. У Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими. 29-мактабга келгунига қадар ҳам 17 йил мактабда болаларга сабоқ берди. Директор бўлди. Ундан кейин Афғонистонда 2 йил дарс ўтди. Мана бу ерда ишлаётганига ҳам 10 йилча бўлиб қолди.

У шаҳар Кенгаши депутати, ноҳия хотин-қизлар Кенгаши раиси ҳамдир.

СУРАТДА: мактаб директори Светлана Мағруповна Азизхўжаева ўқувчилар қўмитаси аъзолари билан суҳбатлашмоқда.

СУРАТКАШЛАР: Г. Игнатьев, Р. Шамсутдинов.
(ЎзТАГ).

МЕҲР-ШАФҚАТ САНАСИ

8 МАЙ — ҚИЗИЛ ЯРИМОЙ ЖАМИЯТИНИНГ ХАЛҚАРО КУНИ

Меҳр-шафқат сўзлари тилимизда тобора чуқурроқ ўрнашмоқда. Жамиятимизда инсон меҳрига зор кишилар жуда кўплиги узоқ йиллар давомида яшириб келинди. Бу нарсани тан олиш юртимиз обрўсини тўкади, — деб сингдирилди. Бироқ, меҳр-мурувват кўрсатиш эмас, кўрсатмаслик гуноҳлигини англамадик.

«Ҳаёт ва қадриятларимизни асрайлик!» — Қизил яримой жамиятининг халқаро куни шиори шундай. Ҳайрият, эндиликда инсон унинг соғлиғи, ижодий фаоллиги ҳар қандай жамиятга бериладиган баҳонинг асосий омили эканлиги тан олина бошланди. Унутиб юборганимиз «инсонпарварлик, ҳайри-эҳсон, меҳр-шафқат» сўзлари баландроқ янграй бошлади.

Ҳозир болалар ўлимини камайтириш, юқумли ва турли ҳил касалликларнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини ташвиқот қилиш мақсадида Оролбўйидаги экологик жиҳатдан оғир вазиятдаги ноҳияларда иш олиб бориш учун талабалар табобат отрядлари тузилди. Болалар овқатланишини оз бўлса-да, яхшилаш мақсадида 21.540 сўм пул ажратилди. Оролбўйи музофотида яшовчи болаларнинг соғлигини сақлаш, даволаш мақсадида Ўзбекистон ЛКЁИ билан ҳамкорликда болаларни «Артек» халқаро кашшофлар лагерига юбориш ташкиллаштирилди. Хусусан, 14 май куни бир гуруҳ болалар Қора денгиз соҳилидаги гўзал маскан сари учадилар. Бир ой давомида дам олиб, турли мамлакатлардан келган тенгдошлари билан мулоқотда бўладилар. Ёзги соғломлаштириш даврида ҳаммаси бўлиб 130 нафар мактаб ўқувчисини «Артек»ка юбориш мўлжалланган. Бу мақсадга 25 минг сўм ажратилди. Бундан ташқари шўро болалар фондининг Ўзбекистон жумҳурият бўлимига Орол болаларининг соғлигини тиклаш бўйича марказ қуриш учун 30 минг сўм ажратилди.

Хуллас жамият инсон ҳаёти ва қадриятларини асраш борасида хайрли ишларни амалга оширмоқда.

Н. ШОРАҲИМОВА,
Ўзбекистон Қизил яримой жамияти Марказий Қўмитасининг ўқувчи-ёшлар билан ишлаш бўлими бошлиғи.

* * *

Ушбу мақола қалам ҳақи Ўзбекистон ССР Қизил яримой жамияти Марказий Қўмитасининг аҳолига ёрдам фонди Тошкент шаҳар Киров ноҳиясидаги турар-жой таъминот банки № 000700378 код 734321 ҳисоб счётига ўтказилишини илтимос қиламиз.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

УЛУҒ ВАТАН УРУШИ НОГИРОНЛАРИГА, ҚАТНАШЧИЛАРИГА, БАЙНАЛМИЛАЛЧИ ЖАНГЧИЛАРГА ВА ҲАЛОК БЎЛГАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИНГ ОИЛАЛАРИГА СОВЕТ ХАЛҚИНИНГ УЛУҒ ВАТАН УРУШИДАГИ ҒАЛАБАСИНИНГ 45 ЙИЛЛИГИ БАЙРАМ ҚИЛИНИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗЛАР БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Улуғ Ватан уруши қатнашчиларининг, байналмилалчи жангчилар ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оилаларининг турмуш шароитини янада яхшилаш мақсадида ҳамда совет халқининг Улуғ Ватан урушидаги Ғалабасининг 45 йиллигини нишонлаш учун:

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, министрликлар, идоралар, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, халқ депутатлари вилоят Советлари ва Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетлари, жумҳурият территориясида жойлашган корхоналар ва ташкилотлар 1990 йилда Улуғ Ватан уруши ногиронларини ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилаларини уй-жой билан таъминласинлар, 1991 йилда эса Улуғ Ватан урушининг барча қатнашчиларини ҳамда уларга тенглаштирилган 1990 йил 1 январгача ҳисобга олинган кишиларни уй-жой билан таъминласинлар.

1990 йил 1 июлидан бошлаб Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, байналмилалчи жангчилар ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари квартира ҳақи тўлашдан озод қилинсин. Улуғ Ватан уруши ногиронлари учун кўзда тутилган имтиёзлар барча уруш қатнашчилари ва байналмилалчи жангчиларнинг коммунал хизмат (сув, газ, электр ва иссиқлик энергия таъминоти) ҳақини тўлашга, марказий иситиш системасига уланмаган уйларда яшовчилар учун аҳолига сотиш учун белгилаб қўйилган норма доирасида харид қилинадиган ёқилғи ҳақига жорий этилсин.

Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, халқ депутатлари вилоят Советлари ва Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетлари, министрликлар ва идоралар, корхоналар ва ташкилотлар:

Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ҳозирги вақтда яшаётган давлат ва идораларга қарашли уйлар ҳамда квартираларни шахсий мулк қилиб топширсинлар.

1990 йил давомида Улуғ Ватан уруши ногиронларининг ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оилаларининг, 1991 йилда эса барча Улуғ Ватан уруши қатнашчиларининг ҳамда уларга тенглаштирилган шахсларнинг уй-жой-маиший шароитини халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия комитетларининг, корхоналар, ташкилотлар, колхозлар, совхозларнинг маблағлари ҳамда бошқа манбалар ҳисобидан уй-жой қуриш ва ремонт қилиш йўли билан яхшиланиши таъминлансин.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети 1990 йилда:

1990 йил 1 июлдан бошлаб Ўзбекистон ССР Ижтимоий таъминот министрлиги системасидаги уруш ветеранлари учун санаторийлар, пансионатлар, стационарларда овқатланишга, дори-дармонларга ва юмшоқ жиҳозларга харажатлар нормасини Улуғ Ватан уруши ногиронлари госпиталлари учун кўзда тутилган нормаларга тенглаштирсин;

Улуғ Ватан уруши қатнашчиларига, байналмилалчи жангчиларга шахсий фойдаланиш учун сотишга бозор фондидан 1750 та енгил автомашина ажратсин;

Ўзбекистон ССР Ижтимоий таъминот министрлигига биринчи группа ногиронларига коляскалар сотиб олиш учун 100 минг сўм миқдорида чет эл валютаси ажратсин.

Ўзбекистон ССР Алоқа министрлиги, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, халқ депутатлари вилоят Советлари ва Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетлари 1990-1991 йилларда 1990 йил 1 январигача ҳисобга олинган барча Улуғ Ватан уруши қатнашчиларининг, байналмилалчи жангчиларнинг ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оилаларининг квартиралари телефонлаштирилишини таъминласинлар.

Министрликлар ва идораларга марказлаштирилган моддий рағбатлантириш фонди маблағидан, корхоналар ва ташкилотларга — моддий рағбатлантириш (меҳнатга ҳақ тўлаш ягона фонди) фондлари маблағларидан, ноишлаб чиқариш соҳасидаги муассасаларга эса смета харажатларини тежаш ҳисобидан Улуғ Ватан уруши қатнашчиларини шу йилнинг май ойидан кечиртирмай қиймати 100 сўмгача турадиган эсдалик совғалар билан мукофотлашга рухсат этилсин.

Халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари Улуғ Ватан уруши қатнашчилари бўлган ишламаётган пенсионерлар учун ижтимоий-маданий тадбирларга ажратилган маблағ ҳисобидан совға сотиб олсинлар.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети социалистик Ватанни ҳимоя қилишда Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари ва уч даража Шуҳрат орденлари билан мукофотланган жангчиларнинг алоҳида хизматларини ҳисобга олиб, уларнинг уй-жой шароитларини, тиббий, савдо ва маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш билан боғлиқ барча масалаларни ҳал этишнинг 1990 йилга белгиланган тадбирларининг биринчи навбатда бажарилишини таъминласин.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

ЮРТГА КЕЛГАН ТАШВИШ

Мухбиримиз Фозилжон ШОДМОН хабар қилади.

Андижонда юз берган тартибсизлик, осойишта хонадонларга келган кулфат вилоят аҳли қалбини ларзага солди. Илгари хабар қилинганидек «Спартак» стадионида бошланган бебошлик шаҳарнинг бир қанча кўча ва даҳаларига ёйилиб кетди. Юзлаб жамоат ва уй-жой бинолари, савдо дўконлари, аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, транспорт воситалари тўполончилар томонидан тошбўрон қилинди ва ёндириб юборилди.

Вилоят фирқа қўмитаси биносига тошлар отилди. Навоий шоҳкўчасидаги рўзнома ва сув дўконлари ёндирилди. Кўчадаги саёҳат ва спорт дўконлари ўрнида ҳозир темир уюмлари қолган, холос.

Кўча четидаги йўл белгилари ҳамда светофорлар безорилар тошбўронидан чил-чил синган. Шаҳардаги Ленин кўчаси айниқса жиддий зарар кўрди. Шаҳар умумий овқатланиш бўлими биноси, универмаг, саноат ва озиқ-овқат моллари дўконлари, вилоят ҳарбий комиссариати биносининг бир қисми, жамғарма банки, овоз ёзиш студиялари катта талофат кўрди.

Киров, Кужело, Шевченко, Энгельс кўчаларида ҳам жиддий талофотлар бор. Ўттиздан зиёд уйга ўт қўйилган. Дастлабки маълумотларга кўра, 13 та дўкон, 46 та устахона, 20 та турли дўкончалар ёндирилган. 18 та иншоот вайрон қилинган. Учта дўкон талон-тарож этилган. Аҳоли ўртасида тиббий лар бор. 44 кишига шундай ёрдам кўрсатилди.

Нохуш манзаралар, кўнгилсиз ҳодисалар вилоят аҳлини оёққа турғизяпти. Ақлидрок билан иш кўрмай, ҳиссиётга берилган бир гуруҳ бебошларнинг қилмиши катта маънавий ҳамда моддий зарар келтирди. Ҳозир вилоятда юз берган тартибсизлик оқибатларини тугатиш юзасидан комиссия иш олиб бормоқда. Жумҳуриятнинг турли вазирликларидан келган вакиллар воқеанинг келиб чиқиш сабабларини ўрганмоқдалар.

Вилоят комсомол қўмитаси қошида қўмитанинг иккинчи котиби В. Жеребилов бошчилигида штаб тузилди. Жойларда турли миш-мишларнинг олдини олиш мақсадида комсомол фаоллари, собиқ «афғон»лар тушунтириш ишлари олиб бормоқдалар. Шубҳасиз вилоят аҳли калтабин кишиларнинг қилмишини қораламоқда. Андижоннинг аввалгидан гўзал ва кўркам бўлиши учун бир ёқадан бош чиқариб, курашишга даъват этмоқдалар. Биз уларнинг айримлари билан суҳбатда бўлдик.

Обиджон ХАЛИЛОВ, ишчи:

— Стадионда можаро бошланганида мен ҳам ўша ерда эдим. Тўғриси, «Пахтакор» билан учрашувни бир неча кундан буён кутардик. Ўйин бошланишига сўнгги дақиқалар қолгунга қадар шу илинжда эдик. Патта сотадиган касса ёнига яқинлашиб бўлмасди. Қўлда бир дона патта 3-4 сўм. Ниҳоят, стадионга ҳамма йиғилди. Лекин командадан дарак йўқ. Шунда ишқибозлар дарғазаб бўла бошладилар. Хўжалик ҳисобидаги «Спартак» клуби президенти Шокиржон Исоқов «Пахтакор» ўйинга кела олмаслиги сабабини тушунтира олмади. Шунда кимдир пул-буюм лоторейсига қўйилган машиналар миқдорини оширишни, шунда йиғилганлар тинчланишини айтди. Клуб вакилларидан бири чиқиб, ишқибозлардан йиғилган пулни хайрия фондига ўтказишни талаб қилиб қолди. Лекин йиғилганлар безориларнинг гиж-гижлаши билан асабийлаша бошладилар. Машиналарга, стадион ҳамда клуб биносига ўт қўйдилар. Оломонни бошқариб бўлмай қолди.

Меҳри АБДУЛЛАЕВА, қаҳрамон она:

— Мен ҳеч қачон фарзандларимнинг ўзгага озор етказишларини истамайман. Дунёда жамики она шундай фикрласа керак. Шаҳарда ўт қўйилган сув дўконлари, бекатлари, савдо шохобчаларини кўриб, кўнглим вайрон бўлди. Бу калтабинлик кимга керак? Ахир ўша сув дўконлари куннинг иссиғида ҳаммамиз учун ҳаводек зарур-ку! Ҳиссиётга эрк бериш ғоятда қимматга тушди. Болаларим, кўзингизни очинг, виждон амри билан иш тутинг!


Наташа ИВАНОВА, тўқувчи:

— Неча йиллардан буён ўзбеклар билан деярли бир оилада ўсдик. Қувонч-ташвишимиз бирга бўлди. Кези келганда оғиримизни енгил қилдик. Айрим безорилар нинг гиж-гижлаши халқларимиз ўртасидаги дўстликка раҳна сололмайди. Бу безориликлар ақл-хушини йиғиб олмаган қайта қуриш душманларининг иши.

Сора АРУНОВА, жабрдийда:

— Биз шу ерда туғилиб униб-ўсганмиз. Қўшниларимиз ўзбеклар. Улар билан қон-қардошдек бўлиб кетганмиз. Лекин кимлардир орамизга нифоқ солмоқчи бўлдилар. Бир гуруҳ безорилар бутун оиламизни чирқиратиб қўйдилар. Бироқ аминман, дўст дўстга ҳеч қачон тош отган эмас.

Юракдан айтилаётган гаплар. Уларни тинглай туриб Андижонда юз берган воқеалар бир гуруҳ безориларнинг обдан ўйлаб уюштирган қилмиши эканлигига амин бўласиз. Шубҳасиз, айбдорлар жазоларини оладилар. Ҳозир эса ҳамма кўрилган зарар оқибатларини тугатишга киришди. «Бу ишларда Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасининг комсомол фаоллари ҳам қатнашишмоқда. Нуфузли комиссия ахборотига кўра, талофот кўрган хонадонлар 1,5-2 ой ичида турар-жойга эга бўлади.



Пармалаш жиҳозларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган Самарқанд тажриба заводи жамоаси жорий йилнинг дастлабки тўрт ойи топшириқларини муваффақиятли уддалади. Корхонада шу вақт ичида меҳнат унумдорлиги анча ўсди, маҳсулот сифати яхшиланди. Бу натижалар заводнинг ишчи ёшлари кўпчиликка ўрнак бўлишмоқда. Биринчи механика цехи илғор йўнувчиси комсомол аъзоси Ҳаким Ўзбеков ана шундай илғор қадамлардан бири саналади. У тайёрлаётган турли хилдаги жиҳозлар фақат яхши баҳога қабул қилинмоқда.

СУРАТДА: илғор ишчи Ҳаким Ўзбеков.

Р. АЛИЕВ олган сурат.

Юрагимга яқин кишилар

Пештоқига «Каттақўрғон» деб ёзиб қўйилган ҳашаматли автовокзалнинг чап томонида жойлашган кўримсиз бино ҳеч кимнинг эътиборини ўзига жалб қилмайди. Ўзбекистон кўзи ожизлар корхонасидан ахтариб юрган қаҳрамонларимни шу ердан топдим.

Пастқам, аммо оҳакланган уйлардан иборат, каттароқ ҳовли... кираверишдан чап томонда уч-тўрт хонадан иборат идора деб юритилувчи бино. Бир қарашда бу ҳовли бир бадавлат одамнинг уйи-ю, йиллар ўтиши билан анча чўкиб қолганга ўхшайди. Аслида кўзи ожизлар корхонаси бу. Хоналарнинг торлигини ва қандай қилиб унда 3-4 кишидан ўтириб, ишлаши мумкинлигидан ҳайратландим. Директорнинг хонасида суҳбатимиз тез қовушиб кетди.

— Корхонамизда битта цех мавжуд. Уларда ишчиларнинг 60 фоизи аёллар, яъни 265 ишчимизнинг 155 нафарини хотин-қизлар ташкил этади. Меҳнатимиз самаралари, муваффақиятларимиз билан фахрлансак арзийди, — дейди корхона директори И. М. Муродов.

Ҳақиқатан ҳам корхонанинг ўзига яраша муваффақиятлари бор. Бундан ташқари ишчиларнинг бўш вақтларини унумли ўтиши учун ҳар хил кўрик-конкурслар, «Балли, қизлар!» турли тематик кечалари ўтказилиб турилади. Жўрақул Очилов бошчилигидаги хор тўгараги ишлаб турибди. Ҳаваскор хонандалар меҳнаткашлар ҳузурида ўз санъатларини намойиш қиладилар. Яхши дам, меҳнатга ҳамдам, дегандариндек, Т. Жонқулова, З. Бобоева, Қ. Жўраевалар куйлаган қўшиқлар кишига олам-олам завқ-шавқ бағишлайди. Энг қувончлиси шуки, яккахон қўшиқчи Қувондиқ Суюнов Самарқанд вилоятида бўлиб ўтган кўзи ожизлар кўригида биринчи ўринни олибди.

— Келинг қизим, қувончимизга шерик бўлинг, — илиқ кутиб олишди тўқувчилар.

— Бу корхонага оддий ишчи бўлиб 1955 йилда келганман. Барча аччиқ-ширин ташвишларни бирга тортдик. Бу ердагилар юрагимнинг бир парчасига айланиб қолишган, — дейди тўқувчилар цехининг мастери Бибинор Умарова. — Қозон, Олтой, Тошкент, Самарқанд дўконларида сотилаётган гилам поёндозларнинг ҳали биронтаси бракка чиқарилиб қайтмади.

— Айтингчи, битта гилам тўқиш учун нечта жараён бажарилади, — сўрайман қизларнинг биридан.

— Ишни оқ ипни калава қилишдан бошлаймиз. Сўнг бўй қилинади, ранг цехида ишлов берилади, дастгоҳга ўралади, махсус найчаларга ўралиб, тўқилади, ўлчанади, тозаланади, жами саккизта жараён бажарилади.

Ҳа, ҳеч бир ишнинг осони бўлмаганидек, гилам поёндоз тўқишнинг ҳам ўзига яраша қийинчиликлари бор. Айниқса, уни кўзи ожизлар тўқиса. Цех корхона кўчма қизил байроғини бир неча маротаба қўлга киритган. Бунда тўқувчилардан Р. Муродова, М. Муҳамадиева, Ҳ. Номозова, Т. Эшонқулова, М. Усмонова, Қ. Жўраева, С. Олимоваларнинг улуши каттадир.

С. ҲАКИМОВА.

Хорижддан хабарлар

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

ВАШИНГТОН. АҚШ президенти Жорж Буш Америка Қўшма Штатларининг Шимолий Атлантика уюшмасидаги иттифоқчиларини яқин вақт ичида уюшмага аъзо бўлган давлатлар ва ҳукуматлар бошлиқлари учрашувини ўтказишга чақирди. Шимолий Атлантика уюшмасининг Европадаги аҳамиятини қитъада рўй бераётган ўзгаришларни ҳисобга олиб қайта кўриб чиқиш, Шимолий Атлантика уюшмасининг оддий қурол-яроғларни қисқартиришга доир ягона йўлини белгилаб олиш учун, Европада тактик ядро қуролларини янада қисқартиришга доир бўладиган СССР билан музокараларга умумий ёндашувни ишлаб чиқиш учун шундай учрашув ўтказилади. Президент Америка Қўшма Штатлари бундай музокараларни олиб боришга тайёр деб айтди. Буш Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши доирасида жараённи бундан кейин ҳам мустаҳкамлашни ёқлаб гапирди.

Жорж Буш Оклахома штатининг Стиллуотер шаҳридаги дорилфунунда программ нутқ сўзлади. Унда Президент ўз маъмуриятининг Европа сиёсати борасида яқин келажакдаги асосий йўналишларини баён қилди.

Маъмурият бошлиғи Европа «мавҳумлик даврида озодликнинг янги, айни вақтда катта умидлар асрига» киряпти, Шарқий Европа мамлакатларида «ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар рўй бераяпти, деб айтди. «Шарқий Европада, деди у, — қачонларидир муҳолифларимиз бўлган ҳукуматлар энди шерикларимиз ҳисобланадилар». Буш СССРдаги ўзгаришларга алоҳида тўхталди. «Совет Иттифоқидаги ўзгартишлар жараёни ҳамон тугагани йўқ», — деди Жорж Буш.

* * *

Қўшма Штатларда апрель ойида кейинги 12 ой ичида ишсизлик даражаси энг юқори кўтарилганлиги қайд этилди. У мамлакатдаги бутун меҳнатга лаёқатли аҳолининг 5,4 фоизини ташкил этди. Жума куни АҚШ меҳнат вазирлиги шуни маълум қилди. Вазирлик мутахассисларнинг тахминларига таяниб, яқин ойларда ишсизлик даражаси янада кўпайиши мумкинлигини хабар қилди.

НЬЮ-ЙОРК. АҚШ ва Канада полициясининг бўлинмалари ва ярим ҳарбий тузилмалари Америка — Канада чегарасининг икки томонига, Сентт Режис деб аталган индуслар резервацияси ҳудудига киритилди. Икки мамлакат маъмурлари бир-бирлари билан курашаётган индус гуруҳлари ўртасидаги тўқнашувларга хотима бериш учун шундай чора кўришди. Тўқнашувлар натижасида икки киши ҳалок бўлган.

Кейинги кунларда Американинг Нью-Йорк штати ҳамда Канаданинг Онтарио ва Квебек вилоятлари чегаралари туташган жойдаги бу резервация борган сари ҳарбий ҳаракатлар майдонини эслатаяпти. Кўп уйлар ўқлардан илма-тешик бўлиб кетган, йўллар тўсиб қўйилган, йўл чеккаларини ёниб кул бўлган автомобилларнинг темир-терсаклари босиб кетган.

Индус гуруҳларидан бирининг резервация ҳудудида бу ерга келадиган оқ танлилар учун қиморхоналар очиш ва ундан тушган маблағни ижтимоий ривожланиш эҳтиёжларига сарфлашга қарор қилганлиги оқибатида можаро чўзилиб кетди. Жумладан, гап касалхона қуриш ва йўлларни яхшилаш тўғрисида боряпти. Бироқ лойиҳаларни бундай усулда пул билан таъминлашга қарши одамлар кўп эканлиги маълум бўлди. Уларнинг фикрича, резервация ҳудудида бундай жойларнинг бўлиши индус ёшларини бузиб юборади ва индусларнинг анъанавий турмуш тарзига ҳавф солади.

Лойиҳага қарши бўлганлар шу ниятдаги кишиларни сўз билан ишонтира олмагач, «уруш сўқмоғига ўтиб олдилар». Қиморхона муҳолифлари у ерга олиб борадиган йўлларни тўсиб қўйдилар. Қиморхона тарафдорлари қуролли отрядлар тузиб, уларга тезда ҳужум бошладилар. Ўт очиш қуролларидан фойдаланилган ҳолда жанговар ҳаракатлар билан қуршаб олинган Америка томонидаги ноҳиядан Канаданинг нисбатан осойишта қисмига қочоқлар оқиб кела бошлади, уларнинг сони 2 минг кишига яқиндир.

МАНАГУА. Манагуада Никарагуа Президенти Виолетта Барриос де Чаморро билан «Никарагуа қаршилик кўрсатиш ҳаракати» раҳбарлари ўртасида контрасларни бўшатиш тўғрисидаги масала юзасидан музокаралар бошланди. Никарагуа қаршилик кўрсатиш ҳаракати делегациясига аксилинқилобчилар қуролли кучлари бош қўмондони Исраэль Галеано бошчилик қилмоқда.

Музокаралар бошланиши олдидан Галеано «Никарагуа қаршилик кўрсатиш ҳаракати» амалий йўл тутаётганлигини» айтди. Контраслар раҳбарлари қуролсизланиш эвазига Никарагуа маъмурларидан армияни кескин қисқартиришнинг аниқ планини тасдиқлашни, қаршилик кўрсатиш аъзолари хавфсизлигига кафолот беришни ва уларнинг тинч ҳаётга қайтиши учун бир қанча шарт-шароитлар яратишни талаб қилмоқдалар.


Контрас делегацияси таркибига кирувчи Аристидес Санчес бўлинмаларнинг бўшатилиши «Манагуа битимида» белгиланган ушбу жараённи амалга оширишнинг охирги муддати — 10 июнда тугамаслиги мумкинлигини уқтирди. Ушбу ҳужжатни 19 апрель куни контрас раҳбарлари сандиночилар армияси, сайланган президент ва католик черкови вакиллари билан бирга имзолаган эдилар. «Ҳаммаси янги ҳукуматнинг тутадиган йўлига боғлиқ», — деб таъкидлади Аристидес Санчес.

(ТАСС).

БИТИМ РАД ЭТИЛДИ

ЛОНДОН. Буюк Британия Бош вазири Маргарет Тэтчер Британия парламентининг жамоалар палатасида сўзга чиқиб, Ливанда гаровга ушлаб турилган тўрт нафар британияликни озод қилиш мақсадида бирон-бир битим тузиш эҳтимолини рад қилди. «Башарти биз бирон бир босқичда дўқ-пўписага ён бергудек бўлсак, — деди у, — бу нарса яна одамларни гаровга ушлаб қолишга олиб боради. Шу боисдан биз ҳам, америкаликлар ҳам бундай битимга рози бўлмаймиз». М. Тэтчер шуни маълум қилдики, Буюк Британия Британия фуқароларини озод қилишга эришиш мақсадида дипломатия йўли билан алоқа боғлаб, тазйиқ ўтказиб турибди. Биз бу ишни давом эттираверамиз, деб таъкидлади у.

Айни вақтда, Бош вазир гаровга ушлаб қолинган икки америкаликни яқинда озод қилишда Сурия билан Эрон ўйнаган ролни табриклаб гапирди. «Буюк Британиянинг мана шу иккала мамлакат билан дипломатия муносабатлари йўқлигини эътиборга олганда Сурия билан Эрон шаънига айтилган миннатдорчилик сўзлари алоҳида аҳамият касб этади», — деб таъкидлади шу муносабат билан Ай-Ти-Эн телекомпанияси.



Жаҳон жамоатчилиги Африка жумҳуриятида оқлар ва қоралар орасидаги муносабатлар бундан буён қандай бўлади, деган саволга жавоб қидирмоқда. Ғарб матбуотининг таъкидлашича, президент Фредерик де Клерк бошлаган қайта қуриш апартеид тузумини босқичма-босқич тугатишга йўналтирилган. Энди мамлакатнинг хўжайини кимлар бўлади — бор йўғи 4 фоизни ташкил этувчи оқ танли овруполикларми ёки африкалик қора танлиларми? Қонунлар ва мамлакат бойликларига эгалик қилиб олган овруполиклар билан ҳуқуқлари камситилган, оч-яланғоч халқ ўртасида тўқнашувлар келиб чиқмайдими?

Суратда: Йоханнесбургда қора танлилар яшайдиган Соуэто квартали.

ТАСС фотолавҳаси.

ВЛКСМ XXI съездининг резолюциялари

«ВЛКСМ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ, ВЛКСМ МҚ БЮРОСИ, КОТИБЛАРИ ВА АППАРАТИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ҲАМДА ВАКОЛАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА»

ВЛКСМ XXI съезди амалиётда мавжуд бўлган сайлаб қўйиладиган комсомол органларини аппаратлар билан алмаштиришни, сайлаб қўйиладиган, фармойиш берадиган ва ижроия органларининг вазифалари ҳамда ваколатларини аралаштириб юборишни қоралайди. Съезд комсомол ташкилотларининг юқори комсомол органлари билан сайлаб қўйиладиган, фармойиш берадиган ва улар аппаратларининг вазифалари ҳамда ваколатларини аниқ белгилаб қўйиш ВЛКСМда реал демократиялашнинг кафолатларидан бири, деб ҳисоблаймиз. Шу муносабат билан съезд **қарор қилади:**

1. Федерация субъектларининг фаолиятини, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда органлари билан Бутуниттифоқ даражасида ҳамжиҳатликни мувофиқлаштириш, съездлар ўртасидаги даврда умумкомсомол масалаларини ҳал этиш мақсадида ВЛКСМ Марказий Қўмитасига қуйидаги вазифалар белгилаб қўйилсин:

— давлат ва жамият турмушининг муҳим масалалари юзасидан съездлар ўртасида комсомол нуқтаи назарини ишлаб чиқиш;

— давлат ҳокимияти органлари ва жамоат ташкилотларининг Бутуниттифоқ органларида ВЛКСМ манфаатларини ҳимоя қилиш;

— қонун лойиҳаларини тақдим этиш ҳуқуқини рўёбга чиқариш;

— ВЛКСМ, ахборот-аналитика фаолияти ривожланишини тахмин қилиш, давлат ва жамоат органлари ҳамда ички иттифоқ муносабатлари билан муносабатларни тартибга солиб туриш;

— умумкомсомол ва музофот яхлит ҳаракатномалар, акциялар ва тадбирлар ишлаб чиқиш, комсомол ташкилотлари уларни рўёбга чиқариш юзасидан фаолиятини мувофиқлаштириш;

— комсомол ташкилотларининг иш тажрибасини ўрганиш ва оммалаштириш, уларга амалий ёрдам кўрсатиш;

— ВЛКСМ МҚ ҳузуридаги ўқув-илмий муассасаларида комсомол кадрлари ва фаолларига таълим бериш, комсомол ташкилотларининг ўқув муассасаларига илмий тадқиқотлар ўтказиш ва методик ёрдам кўрсатиш;

— марказий комсомол оммавий ахборот воситаларига раҳбарлик қилиш;

— ВЛКСМ иқтисодиётини ривожлантириш, ВЛКСМда давлатда ана шундай фаолиятни марказлаштириш билан боғлиқ бўлган молиявий-хўжалик фаолиятнинг аниқ юритиш, ВЛКСМ МҚ корхоналари ва хўжалик бўлинмаларига раҳбарлик қилиш, ВЛКСМ МҚ даражасида шаклланадиган маблағларни тақсимлаш;

— Уставга риоя этишни, ВЛКСМ съездининг Бутуниттифоқ комсомол конференциялари ҳаракатномавий ҳужжатларининг, резолюцияларининг бажарилишини назорат қилиш;

— хорижий ташкилотлар билан алоқаларни ВЛКСМ номидан амалга ошириш.

Ана шу вазифалар доирасида ВЛКСМ Марказий Қўмитасига қуйидаги ваколатлар берилади:

— съезд, конференциялар қарорларини ривожлантиришга қаратилган тавсиянома характеридаги қарорлар қабул қилиш;

— қуйидаги масалалар бўйича қуйи органлар учун бажарилиши шарт бўлган қарорлар қабул қилиш:

а) — ВЛКСМда съездолди ҳисоботлари ва сайловларини ўтказиш, бошқа Бутуниттифоқ акциялари ва тадбирларининг муддатлари ҳамда тартиблари, ВЛКСМ конференциясига, съездига делегатлар сайлаш тартиби;

б) — ВЛКСМ Марказий Қўмитаси даражасида шаклланадиган маблағларни тақсимлаш;

в) — комсомолнинг корхоналарини тузиш, фаолият кўрсатиш, қайта тузиш ва тугатиш, бухгалтерия ҳисобини юритиш, комсомол ҳужжатлари бланкаларини сақлаш ва бериш тартиби масаласи юзасидан норматив ҳужжатлар қабул қилиш;

г) — агар қуйи органларнинг қарорлари ВЛКСМ Уставига ва ҳаракатномавий ҳужжатларига улар зид келганда бекор қилишга қарорлар чиқариш.

— ВЛКСМ съездлари ўртасидаги бутун даврда ВЛКСМ номидан иш юритиш;

— ВЛКСМ Уставининг қоидаларини тушунтириш ва талқин этиш.

Мазкур масалалар юзасидан ВЛКСМ Марказий Қўмитаси таркибидаги федерация субъектларининг 1/4 вакили ваколатлар юзасидан овоз бериш йўли билан қарорлар қабул қилишни талаб этиши мумкин. Бундай ҳолда федерациянинг ҳар бир субъектидан пленумда қатнашаётган вакилининг кўпчилиги унга овоз берган тақдирдагина қарор қабул қилинган деб ҳисобланади.

2. ВЛКСМ Марказий Қўмитаси Бюросининг вазифаси:

— ВЛКСМ МҚ пленумларининг қарорларида ва топшириқларида белгилаб қўйилган вазифаларни рўёбга чиқариш;

— ВЛКСМ МҚ пленумлари ўртасидаги даврда давлат ҳокимияти ва жамоатчилик ташкилотларининг Бутуниттифоқ органларида комсомолнинг манфаатларини ҳимоя қилиши;

— ВЛКСМ МҚ ишини ташкил этиш, МҚ пленумларини чақириш, пленумларга зарур бўлган материалларни тайёрлашни амалга ошириш, доимий ва мувақкат комиссиялар сайлаб қўйиладиган марказий органлар аъзоларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боришни, уларга ишда ёрдам кўрсатишни таъминлаш;

— ВЛКСМ Уставига ва ҳаракатномавий ҳужжатларига риоя этилишини, ВЛКСМ МҚ пленумлари қарорларининг бажарилишини назорат қилишни амалга ошириш;

— ВЛКСМ МҚнинг хорижий ташкилотлар билан алоқаларини амалга ошириш юзасидан аниқ масалаларни ҳал этиш эканлиги белгилаб қўйилсин.

Ана шу вазифалар доирасида ВЛКСМ МҚ Бюросига:

— съезд, Бутуниттифоқ конференциялари, ВЛКСМ МҚ пленумларининг қарорларини ривожлантиришда тавсиянома характерига эга бўлган қарорлар қабул қилиш;

— қуйи ташкилотлар бажариш учун шарт бўлган:

а) — комсомол ташкилотлари томонидан ВЛКСМ МҚ вазифаларининг бажарилиши билан боғлиқ бўлган ахборотлар тақдим этиш;

б) — қуйи органларнинг, агар улар ВЛКСМ Уставига ва ҳаракатномавий ҳужжатига зид бўлган тақдирда қарорларини тўхтатиб қўйиш;

— ВЛКСМ МҚ пленумлари ўртасидаги даврда ВЛКСМ МҚ номидан иш кўриш масалалари юзасидан қарорлар қабул қилиш ваколати бериб қўйилади.

МҚ Бюроси ВЛКСМ Марказий Қўмитаси ваколатига тааллуқли бўлган қарорлар қабул қилиши мумкин эмас. Ўз фаолияти тўғрисида Марказий Қўмита пленумларида мунтазам ҳисобот бериб туради.

3. ВЛКСМ Марказий Қўмитаси котиблари ВЛКСМ Марказий Қўмитаси ва МҚ Бюроси топшириғи бўйича қуйидаги вазифаларни бажарадилар: ВЛКСМ МҚ аппаратининг ишини, қабул қилинган қарорларнинг назорати ва ижросини текширишни ташкил этадилар, ВЛКСМ МҚ Бюроси ва пленумининг топшириғига биноан давлат ва жамоат ташкилотлари органларида комсомолнинг алоқаларини амалга оширадилар ва вакили ҳисобланадилар.

4. Белгилаб қўйилсинки, ВЛКСМ МҚ аппарати комсомол марказий органларининг фаолиятини таъминлаш, ташкилий ижрочилик характерига эга бўлган кундалик ишларни юритиш, комсомол ташкилотларига, уларнинг сайлаб қўйиладиган органларига амалий ёрдам бериш учун тузилади.

«КОМСОМОЛ ТАШКИЛОТЛАРИГА ЁРДАМ ЖАМҒАРМАЛАРИ ТЎҒРИСИДА»

ВЛКСМ янги Устави бошланғич комсомол ташкилотларига ўзларининг пул маблағлари ва буюмларидан фойдаланишда тўла мустақиллик беради. Бу уларнинг олдида турган сиёсий ва ташкилий вазифаларни ҳал этиш, ВЛКСМ аъзоларининг манфаатлари йўлида ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни рўёбга чиқариш учун шарт-шароитлар яратади.

Шу билан бир вақтда ташкилотларнинг турли хил ижтимоий таркиблари музофотларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида фарқ этиб бир қатор ташкилотлар ўз фаолиятларини ва аввало талабалар, ўқувчилар, қишлоқ зоналаридаги ноҳия қўмиталари, СССР Қуролли Кучлари комсомол ташкилотларини молиявий таъминлашни амалга ошириш имкониятини бермайди.

ВЛКСМда ўртоқларча ҳамжиҳатлик, жамоатчилик принципларини қарор топтириб, комсомолнинг умумий ишини ҳал этиш учун бирлаштириб, ВЛКСМ XXI съезди ана шундай комсомол ташкилотларига ёрдам жамғармалари тузиш тарафдори эканлигини изҳор этади.

Уларни сайлаб қўйиладиган органлар ҳузурида бошланғич комсомол ташкилотлари маблағларининг ва комсомол органлари хўжалик фаолияти маблағларининг, шу жумладан ВЛКСМ МҚ маблағларининг бир қисмини ўтказиш ҳисобига ташкил этиш мумкин бўларди.

Ўтказишнинг аниқ ҳажмларини комсомол ташкилотларининг ўзлари белгилаб олардилар.

«ВЛКСМ АЪЗОЛАРИНИНГ ҲИСОБИ МАСАЛАЛАРИ ТЎҒРИСИДА»

Янги Уставнинг қабул қилиниши ва ВЛКСМ аъзоларининг ҳисобини ташкил этиш принципларини ўзгартириш зарурати муносабати билан ВЛКСМ XXI съезди қуйидагиларни зарур деб ҳисоблайди:

1. ВЛКСМ МҚга Марказий Қўмита пленумида «ВЛКСМ аъзоларининг ҳисоби асосларини ва комсомол ҳужжатларини бериш тартиби тўғрисида»ги Низомни тайёрлаш ва қабул қилиш топширилсин, унда ВЛКСМ ташкилотларида комсомол ҳужжатларини юбориш, сақлаш, тўлдириш ва бериш, комсомол ташкилотларининг таркиби тўғрисидаги статистик ҳисобот, федерация бир субъектидан иккинчисига ташкилотни ўтказиш пайтида ВЛКСМ аъзоларининг ҳисоби масалаларини ҳал этиш, комсомол аъзоларининг хорижга чиқиши, партияга кириши, уларнинг ВЛКСМда аъзолик ёши чегараланиши, комсомолдан чиқариш тартиблари билан боғлиқ бўлган умумий ёндашувларни белгилаб бериш топширилсин.

Бошқа ҳолларда комсомолларни ҳисобга олиш тартибини белгилаш федерация субъектларига бериб қўйилсин.

Съезд асосий тузилма бўғинида — бошланғич комсомол ташкилотларида ВЛКСМ аъзоларининг шахсий ҳисобини юритиш тарафдори эканлигини, ҳисоб карточкасини бекор қилиш ва комсомол билетида ҳисобдан чиққанлик ва ҳисобга турганлик тўғрисида банд киритиш тарафдори эканлигини, ВЛКСМ аъзоларининг ҳисобини белгиланган формалар ва ВЛКСМ аъзоларининг аъзолиги ҳақиқийлигини текшириш бошланғич комсомол ташкилотларида аъзолик бадалларини тўлаш ведомостлари бўйича рўйхатлар асосида юритиш тарафдори.

2. ВЛКСМ Марказий Қўмитаси иттифоқдош жумҳуриятлар ЛКЁИ Марказий Қўмиталарига, Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти Бош сиёсий бошқармасига комсомол ташкилотлари Умумармия Кенгашига, СССР Давлат хавфсизлик қўмитаси сарҳад қўшинлари, Ички ишлар вазирлиги Ички қўшинлар сиёсий бошқармасига тегишли комсомол ташкилотларида ВЛКСМ аъзоларининг ҳисоби тартибларини белгилаб берувчи норматив ҳужжатларни ишлаб чиқишда зарур бўлган ёрдам кўрсатсин.

3. Белгилаб қўйилсинки, ВЛКСМ аъзоларининг ҳисоби янги шаклига ўтиш муддатларини федерациянинг ҳар бир субъекти ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг Низоми қабул қилинганидан кейин ва комсомол ҳисоби бўйича ўз норматив ҳужжатларини мустақил белгилайди.

ВЛКСМ XXI съезди ВЛКСМ Марказий Қўмитаси умумий қоидаларни тасдиқлагунга ва федерация субъектлари ВЛКСМ аъзоларининг ҳисобга олиш юзасидан норматив ҳужжатларни қабул қилгунга қадар ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг 1987 йил декабрь пленумида тасдиқланган, унга ўзгартишлар ва тўлдиришлар киритилган ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг «ВЛКСМ аъзоларини ҳисобга олиш ва комсомол ҳужжатларини бериш тартиби тўғрисида»ги йўриқномасига амал қилиши мумкин, деб ҳисоблайди.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ҚОШИҚ — ТЕРМОМЕТР

● МАЪЛУМКИ, барча болалар ҳам термометрни ёқтиравермайди. Яқинда ГФРда ишлаб чиқарилган термометр энг қайсар болакайга ҳам хуш келади. Чой қошиққа ўхшатиб ясалган бу термометр пластмассадан ишлангандир. Қошиққа бирор ширинлик қўйиб ейиш учун кичкинтойга берилади, шу вақтда унинг ҳарорати аниқланади.

АНТИҚА РЕКОРД

● ШВЕЦИЯНИНГ Мёрст шаҳрида яшовчи Томас Лундман ғаройиб рекорд ўрнатди. У футбол тўпини бирор марта ҳам ерга туширмасдан 38 минг марта бошида ўйнатди. Бунинг учун Томаснинг 5 соату 14 минут вақти кетиб, аввалги жаҳон рекордини 42 минутга янгилади.

МАШИНА ТОПИЛДИ

● ФРАНЦИЯЛИК Морис Шанье исмли кишининг машинасини ўғирлаб кетишди. Понтуаз шаҳри полицияси ҳар қанча ҳаракат қилмасин, машина топилмади. Морис эскироқ машина сотиб олишга қарор қилди. Маҳаллий рўзномалардан бирида яхшигина ремонтдан чиқарилган «Рено» маркали машина сотилиши ҳақидаги эълонни ўқиб қолади. Шанье рўзномада кўрсатилган манзилгоҳга келиб, ўз кўзларига ишонмай қолди — сотишга қўйилган машина ўзиники эди.

«ЎҒРИНИ ҚАРОҚЧИ УРДИ»

● КАНАДАЛИК Жон Пентон Монреаль кўчаларидан бирида кетаётганда, бир безори унинг қўлидаги буюмлар солинган халтани олиб қочади. Жон саросимага тушмай, юриб кетаётган автобусга чиқиб олган муттаҳамнинг чўнтагидан ҳамёнини тортиб олади. Ҳамёндаги пулни ўғирланган нарсалари билан солиштирса — 33 доллар фойда қилибди.

ЙИЛЛАР АРМОНИ

1

> **Узоқ... оғир йўлга чиққан йўлчиман**
> **Мен юртимнинг пок истакли кучиман.**
> **ЧЎЛПОН.**

1.

ЧОПИБ ЎТИБ бораётган вақт ҳақида ўйласам, юрагим туз сепгандек ачишиб кетади. Кечагина ўн саккизда эдик, бугун эса... Мана шу бебаҳо вақтнинг қайсидир йирик бўлаги ортиқча югур-югур-у, қоғозбозликларга сарф бўлиб кетмадимикин? Ҳозир-чи?

Инсон қалби шифокори Кашпировский одамлардан фақат битта нарсани илтимос қилади: «Бир-бирингизни авайланг».

Бу — бир-бирингизга қаттиқ гапирманг, дегани эмас. Йўқ, бу сўз замирида фирқа ва давлат қарорларидан тортиб, ҳуқуқ-тартибот ишларидаги баъзи бир нотўғри қонун-қоидаларгача, соғлиқни сақлаш, маънавиятни кўтариш ва муомала санъатидан тортиб бир-биримизни тушуниб етишгача, хуллас, нимаики одамизотга тегишли бўлса, ҳамма-ҳаммаси тўлалигича, софлигича инсонга хизмат қилиши керак, деган фикр ётади. Меъёрдан ошган дабдабалар, худбинлик, таъмагирлик, юқорида айтганимдек, ортиқча қоғозбозликлар одамни бевақт чарчатиб қўяди. Йиллар ва соғлиқ ўғирланади.

* * *

Маърифат Тошкентнинг Гулобод маҳалласидаги ўз даврининг зиёли оиласида катта бўлди. Дадаси Убайдулло ака дарахт кўкартириб боғ яратган, ғишт териб, уй қурган, маҳалла қўмитасига раислик қилган, хуллас тиниб-тинчимас одам эди. Нуроний, донишманд бобоси Саъдулла ота маҳалладаги энг маърифатли кишилардан эди.

— Китоб бор уйда ғийбат йўқ, болаларим,— деб такрорларди Саъдулла бобо, — китоб ўқиш керак.

У айтган сўзига амал қилиб, китоб йиғарди, ўқирди. Деярли кунда, кун ора қўни-қўшни, қариндош-уруғлар бобонинг китобларини тинглагани уларникига тўпланишарди. Муродхону Алпомиш достонларини, Навоий, Фузулий ва Саъдий Шерозий ғазалларини ўқиб, кейин бу асарлардаги поклик, меҳр-муҳаббат, одамийлик хусусида хўп қизғин суҳбат қуришарди. «Қуръон» оятларидаги тил поклиги, дил поклиги, тан поклиги ҳамда таълим-тарбия хусусидаги, яна қатор насиҳатларни жон қулоғи билан тинглаб баҳс-мунозарани ярим тунгача давом эттирар эдилар.

— Биз болалар шу китобхонлик таъсирида қулоғимиз пишиб, тийрак бўлиб ўсдик,— дейди Маърифат,— дадам, бобом биз болаларни ҳам ёнларига қатор ўтқазиб, китобхонлик қилар, эртагу ғазаллардаги ибратли воқеаларни, сатрларни мисол келтирардилар.

> **Ҳар ишдаким инсон кўрсатар ҳиммат**
> **Тикон ҳам гулдаста бўлар оқибат.**

— Бу Саъдий Шерозийнинг сўзи, — дердилар дадам, ана кўрдингларми, болаларим, одамларга яхшилик қилишга шошилинг. Муҳтож одамлардан хайр-эҳсонни аямаслик керак. Муомилани билинглар. Инсоннинг кимлиги унинг тилининг тагида, демак муомиласида!

Маърифат уй-рўзғор ва боғ ҳовлидаги юмушларда ота-онасига тинимсиз қарашса-да, мактабда аъло баҳолар билан ўқиди. Ҳа, ўша эртаклар, ғазаллар таъсирида у ҳақсизликка аёвсиз, адолатга, билимга ўч қиз бўлиб ўсди.

Муаллима бўлиш ниятида Тошкент Давлат педагогика институтига ўз кучи, ўз қобилияти билан, таъкидлаб айтаман, ўз кучи, ўз иқтидори билан ўқишга кирди. Аъло баҳолар билан ўқиди.

Ҳаммада ҳар хил қизиқиш бўлади. Маърифатни инсон тарбияси мавзуси ҳаяжонга солар эди. У ҳамма-ҳамманинг қалбига ўша бобоси, ота-онаси ҳадя этган эзгуликлар уруғини сочишга шошиларди. У муаллима бўлиш учун туғилган эди, гўё. Зеби опа Ягудина, Нафисахон Қодирова, Зокир Файзиевич Миртурсунов, Саломат Темирова каби ўқитувчиларнинг сабоқларини, айниқса, буюк педагог Н. К. Крупская ҳақидаги, унинг таълим-тарбияга оид фаолияти хусусидаги маърузаларни чанқоқлик билан тинглади. Маърифат талабаларнинг илмий анжуманидаги чиқишларида, диплом ишида бутун фикри-зикрини Н. К. Крупская асарларини ўрганишга, уни таҳлил ва тарғиб қилишга бағишлади.

Институтни имтиёзли диплом билан тугатгач, Зеби опанинг маслаҳати билан Н. К. Крупская номли педагогика билим юртида тўрт йил дарс берди. Бу тўрт йил Маърифат учун ҳаёт мактаби, ўқиш-ўрганиш сари яна қизиқиш поғонаси бўлиб хизмат қилди ва аспирантурага кириш ниятида институтга қайтди.

— Билимга чанқоқ бир қизим бор, — деди Зеби опа бир куни турмуш ўртоғи, академик Сиддиқ Ражабовга,— Маърифат Саъдиева. Сиз уни биласиз, ўзимизда аъло баҳолар билан ўқиган. Жамоатчи бўлган. Ҳозир аспирантурада ҳам аълочи. Сиз агар шу қизга бир яхши мавзу тавсия этиб, раҳбарлик қилсангиз — ажойиб олима етишиб чиққан бўларди-да.

Хуллас, Маърифат академик Сиддиқ Ражабов раҳбарлигида «Ўзбекистон халқ маорифида ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш ишларида Крупская ғояларининг татбиқ этилиши ҳақида» илмий иш ёзишга киришди.

Ўшанда 1971 йил эди. Бу йиллар ичида у турмушга чиқди. Фарзандлик бўлди.

Маърифат Тошкент шаҳридаги бир қанча мактаб, боғча, кашшоф уйла-

2

рида бўлди. Қишлоқларга, музофотларга борди. Кўрдики, Крупскаянинг ёш авлод тарбиясига оид ғоялари ҳали кўнгилдагидай амалга оширилган эмас. Айниқса, қишлоқ жойларда таълим-тарбия масалалари оғир аҳволда. Китобдан тортиб ўйинчоққача, озиқ-овқатдан тортиб малакали тарбиячигача, ҳатто хоналар, боғчалар етишмайди. Борлари ҳам талабга жавоб бермайди. Ана шунда Маърифат биринчи марта ҳақиқий ҳаётга юзма-юз келганини англади. Мактабларда вожатийлар, кашшофлар уйлари ходимлари ҳам ўз вазифаларини тўлиқ билишмайди ва қўл учида ишлашади.

Маърифат қаерга бормасин, ўз фикрини очиқ-ойдин айтишдан, қўлидан келган ёрдамни таклиф қилишдан тортинмади. Ахир болаларни ҳар томонлама камолга етказиш ҳаммамизнинг энг муҳим вазифамиз эмасми? Шундай ишлаш керакки, токи бола табиатни севсин. Атрофдаги воқеаларга зийрак муносабат билдиролсин. Катта-кичикка ҳурмат туйғулари руҳида тарбиялансин. Масалан, у қушларнинг сайрашини, капалакларнинг нозиклигини, гулларнинг очилишини юракдан ҳис этсагина табиатни сева олади. Ватан нима эканлигини тушуна олади.

Қоидага кўра болалар боғчаларида битта группада 16-20 та, яслиларда эса 10-12 та бола тарбияланиши керак. Ана ўшанда таълим-тарбия ва гигиена талабларига бироз бўлса-да, риоя этилиши мумкин. Маърифат кўрган боғча-яслиларда эса битта группага 30-40 та бола қатнайди. Тарбиячи нимага ҳам улгура олсин? Гигиена талабларига қандай риоя қилсин? Битта қошиқда бир неча кичкинтойга овқат едирилаётганини қандай баҳолаш мумкин? Ана шунақада касалликлар кўпаяди-да. Демак, мактабгача тарбия муассасалари ишини тубдан яхшилаш, кенгайтириш, кадр тайёрлаш, тарбияга оид адабиётларни кўплаб нашр этиш лозим. Бунга кетадиган пулни эса ернинг остидан бўлса ҳам, албатта, топиш даркор.

Маърифат уч йил ичида аспирантурани тугатди ва фикр-мушоҳадага, таклифларга бой илмий ишни ҳам ниҳоясига етказди. Сиддиқ Ражабович ўз шогирдининг изланувчанлиги, ишчанлигига қойил қолиб, ундан вақтини, фикрларини аямади. Ҳадемай, таҳлилчилар ҳам мавзуни ўқиб, муносиб баҳолагач, илмий кенгашга тавсия этилди. Демак, марра яқин!

Маърифат қушдек енгил тортди. Қўлида ёш бола билан заҳмат чекиб ишлаганлари, Москва шаҳридаги марказий кутубхонада муттасил бир ой илмий ишлар рўйҳатини варақлаб Иттифоқимизнинг ҳеч қайси билим даргоҳида ушбу мавзуда илмий иш ёзилмаганини аниқлаш учун кетган вақтлари, мактаблар-у, боғча-яслиларни кезганлари... Бари-бари ҳадемай мева беради.

Афсус, худди ўша кунларда, яъни 1976 йилнинг ёз ойларида Москвадан янги Низом келди. Диссертация фақат рус тилида ёзилиши ва рус тилида ҳимоя этилиши керак. Вассалом! Акс ҳолда қабул қилинмайди.

Бу хабарни эшитиб, қанча-қанча ёшларнинг тарвузи қўлтиғидан тушиб кетмади, дейсиз. Ёзаётган ишини тўхтатиб қўйганлар, таржимага маблағ тополмай, қўлни ювиб қўлтиққа урганлар ҳам бўлди.

Маърифат бундай қилмади. У бошлаган ишни чала ташлаб кетишга, иродасизлик қилишга одатланмаган эди, «фақат рус тилида» деган талаб унинг дил-дилини оғритса-да, (у пайтда ҳамманинг дарди ичида эди-да) 250 саҳифалик илмий ишни қўлтиқлаб, таржимон излади. Қарз-ҳавола қилиб бўлса-да, ейиш ичишу кийинишдан иқтисод қилса-да, таржимонга пул топиб берди. Кейин яна машинкада кўчиртиришга пул, ўқишга вақт... яна таҳлилчиларга бош уриш... Вақт эса учқур от, бир ерда депсиниб турмайди.

Рус тилидаги диссертацияни ўқиган таҳлилчилар Маърифатнинг ҳафсаласини пир қилишди. «Таржимада диссертациянинг асл маъноси очилмаяпти, сўзма-сўз таржима бўпти. Мутахассис таржимон, яъни педагогикани яхши биладиган, сўзга бой таржимон топинг! Яна шуниси борки, вақт ўтиб, кечаги гап бугун эскираяпти. Демак, мактаб-маориф ва мактабгача тарбия системасидаги бугунги ўзгаришларни қўшиш керак. Бу орада Брежнев вафот этди. Энди зудлик билан Андроповдан цитаталар келтиринг!»

Маърифат бу вақтда иккинчи фарзандга она бўлган эди. У уй-рўзғор ва институтдаги ишларидан ортиб, илмий ишга янги саҳифалар қўшди. Цитаталарни янгилади. Яна пул билан муомила қилишга тўғри келди...

Бу орада... Убайдулла ака ҳам ҳаётда ноҳақликка дуч келиб, 67 ёшида инсультдан вафот этди. «Менинг гўримга тушдинг, болам» деб жигари хун бўлган Саъдулла бобо ҳам орадан икки ой ўтмай ерга қўйилди. Аза устига аза. Бобосининг қирқига онаизори (Бубинисо)нинг ўлими уланди.

Дадаси, бобоси, ойижониси Маърифатнинг олим бўлиб етишган кунларини кўришни жуда-жуда орзу қилишган эди-ю! Оҳ, қанийди, Маърифат олим бўлмай, оддий уй бекалигича қолса-ю азиз жигаргўшалари яшаб юришса... Майлийди.

* * *

Маърифат яхши одамлар ёрдамида опа-сингиллари-ю, қариндошлар кўмагида ота-онаси ва бобосининг маъракаларини ўтказди. Кейин яна йўлга чиқди. Меҳнат, ижод йўлига.

Билмайди, бу «асар»ни нечанчи марта машинкада кўчиртириб, нечанчи марта ўқиб чиқди. Нечанчи марта илмий раҳбарига, таҳлилчиларга ўқитиб, минг бир хил ҳужжатлар тайёрлади. У авторефератни (яъни диссертациянинг қисқача мазмуни) ихчам китобча ҳолида (бу ҳам рус тилида) нашр эттириш учун босмахонага танда қўйди. Кейин уни мавжуд қоидага кўра бир дунё ҳужжатлар билан юзга яқин ташкилотга, ҳа юзга яқин, биттама-битта жўнатди. Уларнинг жавобларини кутди. Бу қоғозбозликларни эсласа ҳамон кўнгли беҳузур бўлади. Ҳа, бу ишларнинг ҳаммасига қанча қоғоз, қанча маблағ, қанча вақт, энг муҳими қанча асаб сарфланганини ҳисоблаб берадиган қани энди бирор аппарат бўлса.

Ниҳоят, жавоблар ҳам олинди. Ҳимоя куни белгиланди. Маърифат ҳимоя пайтида ҳам русча сўзлаши керак. Бунга ҳам алоҳида тайёргарлик кўрди. Кейин яна бир қанча ҳужжатлар талаб этилди.

Жумладан, бу мавзуга жумҳурият Маориф вазирлигининг муносабати қандай? Шу ҳақда справка керак.

Маърифат вазир қабулхонасида кун бўйи уни кутаркан, уйда қолган қизчаларининг «Ойижон, қачон келасиз» деб йиғлаётганлари шундоқ кўз олдига келиб, юраги увишди. Томоғига тошдек нарса тиқилди. Оғзи қуриди. Ўша куни у тушлик ҳам қилмаганини эслади. Ниҳоят кечки пайт вазир билан учрашиб, кераклн қоғозни олишга муваффақ бўлди.

Эртасига яна бир шундай қоғоз учун Қори Ниёзий номли педагогика илмий-тадқиқот институтига шошиб бораркан, Маърифат ёнгинасидан ўтиб кетаётган троллейбусга урилиб, қаттиқ йиқилганини ва яна бор кучини тўплаб, ўрнидан туриб йўлда давом этганини эслайди. Кечқурун уйга келиб қараса, ўнг ёнбоши кўкариб кетибди: Лекин... Юришга куч бор, юрса бўлади. Ахир ҳимоя куни яқин-ку. Яна ётиб қолса, иши орқага сурилади.

Шундай қилиб, 1976 йили тайёр бўлган диссертацияни орадан саккиз йил ўтиб, 1984 йил 13 март куни ёқлади. Армонга тўла саккиз йил... Бир овоздан унинг илмий ишига юқори баҳо берилди.

Бу ҳали марра эмасди, «бир овоздан айтилган юқори баҳо»га қувониб бўлмасди. Чунки диссертация тақдирини ВАКК—Бутуниттифоқ аттестация комиссияси ҳал қилади.

Яна характеристика ва таржимаи ҳолдан тортиб, то таҳлилчиларнинг баҳолари, ёқлаш даврида кимнинг нима дегани... ҳамма-ҳамма ҳужжатлар рус тилида тайёрланиб, диссертация билан Москвага жўнатилди.

Ана энди кутиш учун тоғдай тоқат керак. Бундай пайтда кунлар йилга татийди. Ахир неча йиллик меҳнат чиппакка чиқиши ҳам ҳеч гапмас. Бундай воқеалар биринчи марта бўлаётгани йўқ. Диссертациясини Москвага жўнатган бир тошкентлик йигит кута-кута тоқати тоқ бўлди шекилли, ё бошқа сабабми, ўзини осиб қўйди. Асаблари чидамади, бардоши етмади унинг. Афсус, ўлимидан бир неча кун ўтгач, ўша йигит номига Москвадан тасдиқ мактуби келди.

Маърифат ҳам узоқ вақт кутсам керак, деб арқонни узун ташлаб қўйган эди. Йўқ, ўша 1984 йили 25 июль куни ишдан қайтишда почта қутисини очаркан, ҳаяжондан титраб кетди. Чунки рўзнома ва жарида орасида Москвадан келган бир конвертни кўрди. Кўрди-ю кўзларига ишонмади. Унда Бутуниттифоқ аттестация комиссияси Тошкент Давлат Педагогика институти ўқитувчиси Маърифат Саъдиевага педагогика фанлари номзоди унвони бериш ҳақида қарор чиқаргани айтилган ва диплом юборилган эди.

Эртасига Маърифат саҳарлаб туриб, қўлида гуллар билан қабристонга жўнади. Ҳа, азиз жигаргўшалари қабри ёнида тиз чўкиб, узоқ тиловат қилди. Дадажон, ойижон, мана сиз орзу қилган кунларга ҳам етдим. Лекин... шу бугундан бошлаб юрагимда яна бир армон пайдо бўлди. Демак — кечагидан бугун кўпроқ, яхшироқ ишлашим, сиз ўргатгандек доим ҳалол, пок яшашим, ёшларга чуқур билим беришим ва энг муҳими набираларингизни худди сиз истагандек яхши одамлар қилиб вояга етказишим керак. Ана шунда руҳингизни оз бўлса-да, шод қила олган бўламан. Демак, менинг ҳали қарзим, қиладиган ишларим жуда-жуда кўп.

* * *

Маърифат кўнгли буюрганидек яшаб, ишлаяпти: Ёшларга сабоқ бераяпти. Лекин у «энди қоқилмай яшасам керак, қоғозбозликларга, ҳақсизликка дуч келмасам керак», деб ўйлаган эди. Йўқ, адашипти.

Муттасил ўн уч йил давомидаги югура-югур, тинимсиз ишлаш, гоҳо ноҳақликлар берган зарба, айниқса, айрилиқ азоблари унинг соғлиғини кемтик қилишга улгурган эди. Энди у шифокорлар билан юзма-юз учрашди ва уларнинг зарбасига дуч келди. Нотўғри диагноз қўйилиши, лоқайдлик Маърифатни операция столигача олиб борди. Оворагарчиликлардан тинкаси қуриган, бор отангга, бор онангга қабилидаги ишлардан толиққан Маърифат ўз виждонига зид ҳолда пул ва совға-саломлар билан врачларга мурожаат этишга мажбур бўлди. Акс ҳолда қуруқ қошиқ оғизни йиртаверди. Ҳақиқат юзага чиқмади.

Барибир, операция жуда кечикиб амалга оширилгани учун ҳам Маърифатга узоқ вақт даволанишга тўғри келди. Ишқилиб, фарзандлари бахтига оёққа турди.

* * *

Ўйлаб кўринг, бундай воқеалар у ёки бу кўринишда ҳар биримизнинг бошимиздан ўтмаганми? Бунга ҳар биримизнинг ўта лоқайдлигимиз, қайта қуриш, демократияни олдинроқ бошламаганимиз сабабчи деб ўйлайман. Мен бу ерда Маърифатнинг ҳеч қандай таниш-билишсиз, қўнғироқсиз туртиниб-суртиниб бўлса-да, ўз мақсадига ҳалол йўл билан эришганини таъкидлагим келади. Ахир атрофимизда озмунчами, таниш-билишчилигу илтимослар билан «олим» бўлаётганлар. Бундайларнинг ёшларга, ҳаётга Маърифатчалик меҳри, муҳаббати, эътиқоди бўлармикан?!

2.

Камида икки мингта китоб ўқиб, ўзлаштириб олган ва ўзи шунга амал қиладиган одам бошқаларни ўзига эргаштира олади, дейишади. Маърифатни мен бундан ҳам кўпроқ китоб ўқиган ва уққан муаллима деб ишонч билан айта оламан. Чунки мен унинг «Тарбия жараёнининг тузилиши ва усуллари» мавзуидаги икки соатлик лекцияга тайёрланиш учун 21 та адабиёт, шу куни ҳамма рўзнома ва жаридалар билан танишиб чиққанига гувоҳ бўлдим. Тарбия Макаренконинг айтишича «Ҳар бир квадрат метрда олиб борилгандагина натижа беради». Бунинг маъноси тарбия ҳамма жойда — уйда, кўчада, жамоат жойида, демак, ҳар қадамда сув билан ҳаводек зарур ва яна зарур.

Маърифат талабаларни, ҳали қарасангиз, атай етимхоналарга бошлаб борган, ота-она бурчи ҳақида таъсирли, дардли суҳбатлар ўтказган, ҳали қарасангиз, ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотган нуроний отахонларни учрашувга таклиф қилган, хуллас тиниб-тинчимайди.

— Институтга келган ёшлар савияси қандай, Маърифатхон? — деб сўрайман нигоҳлари ўйчан, ҳорғин суҳбатдошимдан.

— Талабаларга жуда кўп нарсани ўргатишга тўғри келаяпти, — дейди у астойдил куйиниб, — китоб устида ишлай билишдан тортиб, муомила, тил, маданият, кийиниш, оила қуришга маънавий тайёргарлик каби қатор масалалар... Ҳаммасини сабр-қаноат билан ўргатишимиз керак. Минг афсус, талабаларга мукаммал тарбия бера оладиган ўқитувчиларнинг ўзи кам. Ҳали кўпчилигимиз ўзимиз тарбияга муҳтожмиз.

У ўйга толади. Чуқур хўрсинади ва гапида давом этади.

— Ҳозир талабалар ҳузурига ўз билимингизни, савиянгизни ҳар куни бир поғонадан ошириб бормасангиз обрўйингиз тушиб қолади. Ҳа, ҳар бир ўқитувчи, у физикадан ё кимё фанидан, математикадан сабоқ берадими, барибир, ҳар бир дарсда мавзуга ўтишдан аввал беш-ўн минут вақтини тарбияга бағишлаши керак. Ҳар бир педагог аввало тарбиячи бўлсин!

Улуғ Жомий айтганидек:

> **Устоз, муаллимсиз қолса бир замон,**
> **Нодонликдан қора бўларди жаҳон.**

— Маърифатхон, маънавият, тарбия хусусида аёлларга, ёшларга айтадиган гапларингиз борми?

— Бор!— дейди у ҳаяжонланиб,— айниқса, Тошкент шаҳрида яшайдиган аёлларга айтадиган гапларим кўп. Тошкентда ортиқча сарф харажату хўжа кўрсинга дастурхон безатиш авж олган. Болаларимизга яхши едирмай-ичирмай пул тўплаймиз-да, «қуда чақириқ» ва «гап»га нархи осмонга чиқиб кетган хандон пистаю бодом, ширинликлар оламиз. Чой ўрнига ароқ, коньяк қуямиз. Нимага керак, булар? Болалар «гап»да, «қуда чақириқ»да бир яйраб олишади. Бошқа вақт нон-чой, сарёғ, мураббо, гоҳо тухум бўлади, дастурхонимизда. Бир маҳал иссиқ овқат. Йўқ, болаларимизнинг илиги бақувват, соғлом, ақлли, андишали бўлишига биз ота-оналар жуда қаттиқ жавобгармиз, масъулмиз! Болалар ризқини қийишга ҳаққимиз йўқ.

Мен маҳалла-кўйда, тўйларда аёллар билан учрашганда гапларимни ётиғи билан юзларига айтаман. Кейин армон қилиб юрмайлик, дейман.

— Болалар билан шуғулланишни биз ота-оналар унутиб қўйганмиз, Маърифатхон, — дейман фикримиз бир жойдан чиққанидан қувониб, — сизнинг боболарингизга ўхшаб фарзандлари билан китобхонлик қиладиган, дарсларини кузатиб борадиган, одоб-аҳлоқ ҳақида суҳбатлашадиган ота-оналар борми?

— Афсуски, йўқ. Бўлса ҳам жуда-жуда кам. Ичиб келиб, кайф билан уйқуни урса, ё ишдан келгач телевизордан кўзини узмаса... Бу—бурчни унутиш-ку! Жуда кўп оналарнинг эса хаёли кийимда. Ҳа, болага вақтини ажратмайди. Ҳар куни ҳар хил кийинаверадиган аёлларни кўрсам, уларнинг болаларига ачинаман ва «кийимнинг уволи тутмасмикан буларни?» деб ўйлайман. Менинг раҳматлик бобом ҳатто калишниям яматиб киярдилар. «Ҳар битта нарсанинг уволи бор, болам, уволдан қўрқиш керак», дердилар бувим.

— Ўзбек тилида таълим-тарбияга оид китоблар йўқ,— сўзида давом этади у. — Макаренко, Болдиров, Кевиш, Сухомлинский асарларини ўзбек тилида кўпроқ чиқариш зарур. Ўзбек ёзувчилари ижодида ҳам тарбияга оид асарлар кўп. Ана шу асарлардан, ҳаёт талабидан келиб чиқиб, таълим-тарбияга оид ўзбек тилида қўлланмалар ёзишимиз керак. Бунинг учун имконият, вақт зарур. Биз эса ҳамон мажлислардан, у ёққа чоп, бу ёққа чопдан бўшамаяпмиз. Мен ёшларга ўз она тилида илмий иш ёзиш ва ўз она тилида ёқлаш имконияти туғилганидан жуда хурсандман. Лекин илмий иш қиламан деб, оила қурмай ёки фарзанд кўришни кечиктириб, кейин пушаймон бўлиб юрмаслик керак (бундайлар озми атрофимизда). Аёл, биринчи навбатда она, вафодор ёр! Қолаверса, ҳар ким ўз иқтидори, истеъдоди бўйича ишга қўл уриши кераклигини кеч, жуда кеч бўлганда тушунган қизлар, йигитлар озми?! Ёки ота-онасининг мавқеи орқасидан илм йўлига кириб, кейин ярим йўлда қолганлар камми?!

Афсус, соғлиғим истагимга мос эмас. Барибир, ишлашга ўзимда куч топишга интиламан. Турмуш ўртоғим Ҳакимжон Тўламетов касблари шофёр, лекин мени тушунишда, ўқиб-ўрганиб боришда доимо маънавий ҳамроҳим. Армоним яна шунда-ки, болаларим билан шуғулланишга (унинг учта қизи бор) вақт топдим дейману барибир оз. Фарзандлар тарбиясига бутун умримизни сарфласак ҳам камлик қилади. Лекин мен ҳаммавақт ёзги икки ойлик таътилимни фақат қизларим билан, иложи борича табиат бағрида ўтказаман. Биласиз, бетон уйларда яшаймиз. Ақалли икки ой шу бетон уйлардан узоқда, табиат бағрида бўлайлик, дейман. Ана шунда қизларим билан нечоғлиқ дилдан суҳбатлашишга ҳаракат қиламан. Ахир фарзандларни ҳаётга тайёрлаш фақат едириб-ичиришдан иборат эмас-ку.

— Тўғри айтасиз, Маърифат, қани энди буни ҳаммамиз баб-баравар тушунсак... Қани энди қоғозбозликлардан воз кечсак. Бир воқеа ёдимга тушди. Черненко вафотидан бир кун олдин Пушкин кўчасидаги 1-китоб дўконига кирган эдим. Қалин, оппоқ (чет элники) қоғозга мойбўёқда босилган Черненконинг улкан портрети қулоч етмас даражада тахланиб ётган эди. Шаҳримизда, иттифоқимизда шу каби минглаб дўконлар бор. Тасаввур қилинг. Ишчининг қанча вақти, қанча қоғоз, қанча оворагарчиликлар... Яхши китобларга эса қоғоз етишмайди. Ўзи умуман портретлар нега керак? Идораларга зарур бўлса табиат тасвири, халқ қаҳрамонлари суврати етарли...

ЙИЛЛАР ЧОПИБ ўтаяпти, қани энди ҳар биримизнинг ҳаётимизда, қалбимизда армонли йиллар, армонли соатлар бўлмаса. Қани энди...

Санъат МАҲМУДОВА.

3 **4**

Буюк Ғалабанинг 45 йиллигига

ҒАЛАБА БАҲОРИ

Бундан ўн йиллар бурун байрам кўрсатувига тайёргарлик кўрар эдик. Уруш хроникаларини кўриб бўлдик. Кино кўриш залида чироқлар ёқилди. Режиссёримиз Ҳасан Йўлдошев стулда қимирламай ўтирарди. Икки кўзи жиққа ёш... Сочининг толасидан тирноғигача кулги билан суғорилган, ҳамиша ширин кайфият улашувчи инсоннинг бу ҳолати мени ларзага солди... Унинг кўз ёшларидан уруш солган асорат ҳали аримаслигини, у ҳамон биз билан эканлигини ҳис қилдим.

Бугун ҳам режиссёримиз Абдухалил Эгамбердиев билан байрам кўрсатувига ҳозирлик кўраяпмиз. Бугун ҳам ҳужжатли фильмларни лоқайдлик билан кузатиб бўлмайди. Уларда суронли жанггоҳлар, ғалабага томон машаққатли йўллар, тақдирлар муҳрланган.

Ўзбекистон ойнаи жаҳони «Ёшлик» студиясининг «Бурч» программаси Буюк Ғалабанинг 45 йиллиги шарафига бир қатор туркум кўрсатувлар тайёрлади. Кўрсатув номига юзлаб хатлар келиши билан бирга, редакция шахсан ташриф буюрувчи уруш ветеранлари билан доимо гавжум.

Истеъдодли тележурналист Рўзмат ака Мадатов уларнинг қалб сўзларига қулоқ тутади. Уларга юракдан ёрдам беришга ҳаракат қилади.

...Кўрсатувларнинг бирида кинолавҳа намойиш этилмоқда. Тўқсон ёшли онахон ўз уйи олдида ҳассага таянганча курсида ўтирибди. Шамол унинг қордек оппоқ сочларини, рўмолини оҳиста-оҳиста тортқилайди. Онахоннинг нурдан қолаётган кўзлари узоқларга тикилишга, олисда келаётган кишиларни яхшироқ кўришга ҳаракат қилади. Балки, ўша олисда келаётган одамлар онахоннинг уруш гирдобида дом-дараксиз кетган ўғилларидан биридир. Балки, улар кўплашиб келишаётгандир. Бу хаёллар, бу ишонч онахонни бир дақиқа ҳам тарк этмайди... Кутиш...

Фарзандлар оналарининг олдида ҳамиша қарздорлар.

Она меҳри, она алласи бир умр бизни тарк этмайди. Не-не паҳлавонларни, юксак дидли касб соҳибларини тарбиялаган онахонларимиз олдида таъзим бажо қиламиз. Улар шоир қалбли забардаст йигитларни, жасорат тимсолига айланган юрт қаҳрамонларини, фидойи ўғлонларни вояга етказдилар.

Урушнинг ўз қонунлари бор, ўз қурбонлари бор. Қурбонсиз уруш бўлмайди. Урушдан қайтмаганлар — бу бизнинг армонларимиз. Келинчак кўз ёшлари — бу. Бу — ота меҳрига зор фарзандлар фиғони. Ана шунинг учун ҳам урушни қоралаймиз, лаънатлаймиз!

Ҳикматхон онанинг турмуш ўртоғи ҳам урушга кўнгилли бўлиб отланганлардан. Аммо, онахон турмуш ўртоғини кутади. Ўшанда болалар билан ёлғиз аёллар қолган. Бир коса овқатни ҳар куни унга атаб олиб қўяди. Бу — насиба, бу — умид! Бундай оналарни вафо ва садоқат рамзи, меҳр-муҳаббат тимсоли дегим келади.

Уруш ўз асоратини қолдирмаган бирорта хонадонни топиш қийин. Улуғ Ватан уруши тугаганига 45 йил бўлаяпти. Урушнинг суронлари, ўқ ва бомбаларнинг товушлари, даҳшат ва разолат тўла изтиробли кунлар тарих қатига кирди. Уруш биздан йироқлашди. Аммо унинг асоратлари-чи?

«Ғалаба баҳори» байрам кўрсатувида Улуғ Ватан уруши ветерани Ҳасан Исломов жанговар ҳаёт йўли ҳақида атрофлича ҳикоя қилинади...

1943 йил Орёл шаҳри учун шиддатли жанглардан бирида Ҳасан Исломов икки кўзидан оғир яраланди. Бу оғир жароҳат эди. Аммо душман ўқи Ҳасан аканинг ишончини, иродасини бука олмади. У спорт билан шуғулланиб, СССР спорт мастери бўлди. Енгил вазндаги штангачилар орасида Ўзбекистоннинг тўрт марта чемпиони бўлди. Оила қурди. Фарзандлар, неваралар кўрди. Ҳаёт йўли ҳақида китоблар ёзди.

Кўрсатув давомида ўзбек фарзанди Ҳасан Исломов кўрсатган жасорат ва матонати бизнинг бу ҳақдаги тушунчамиздан ўн чандон, юз чандон юксакроқ, теранроқ эканлигини чуқур англаб борамиз. Унинг характерида халқимизнинг фидойилиги, қаҳрамонлиги, инсонийлиги мужассамлашган. Ўзбек халқининг азамат ўғлонлари кўрсатган жасорат ва матонат абадий сўнмас, муқаддас ва барқарордир.

Куни кеча жумҳуриятимиз Президенти И. А. Каримов бир гуруҳ Улуғ Ватан уруши ветеранларини қабул қилди. «Ғалаба баҳори» байрам программасида худди ана шу учрашувнинг ҳаяжонли онлари акс этади.

Кўрсатувда Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари Азим Раҳимов, Сулхи Лутфулин, Вали Набиев, Тўхтасин Аҳмедов, Ғуломжон Каримов каби ўзбек элининг муносиб ўғлонлари ўз хотиралари ҳақида ҳикоя қиладилар. Муталибжон Зуҳурдинов, Маъмуржон Тўхтасинов, Абдулаҳат Баҳромов, Ҳасан Мирсобитов каби хонандалар ўзларининг дилрабо қўшиқларини уруш қатнашчиларига бағишлайдилар.

Муҳтарам телетомошабин дўстлар, Ўзбекистон ойнаи жаҳон «ЁШЛИК» студияси ижодкорлари Сизни 9 МАЙ оқшомда ойнаи жаҳонингиз олдига таклиф этади.

Сизни ажойиб учрашувлар кутмоқда.

Сойибжон РАҲМОНОВ,
Ўзбекистон ойнаи жаҳони «Ёшлик» студияси катта муҳаррири.





БАЙРАМ ҲАҚИДА ИККИ ОҒИЗ СЎЗ

Ташна кўнглимиз бугун оддийлик билан бақамти. Ҳар қандай тантана, байрамни, ҳаттоки кичик сайилларни ҳам дабдабасиз нишонлашни ўрганаяпмиз. Матбуот куни, радио ва барча алоқа тармоқлари ходимларининг касб байрамлари ҳам шундай — ортиқча дабдабасиз ўтди. Ҳеч ким бу санага атаб мадҳия ёзгани йўқ. Ёки «Фалон катта байрамни келиб кўрар экан, ундоқ қилиш керак, бундай ишни амалга ошириш лозим» деган хитоблар ҳам янграмади. Эрталабки сокинликни, осойишталик ва хотиржамликни кўрганлар пойтахтимизнинг Карл Маркс номи билан аталувчи шоҳ кўчасида ҳали замон катта байрам бўлишини хаёлига ҳам келтиришмасди. Тушга яқин бу ер сайилга келувчилар билан гавжумлашди. Жумҳуриятимизнинг рўзнома ва жаридалари ранг-баранг кўргазмалар билан чиқишди. Уларда мамлакатимиз, турли вилоят ва ноҳияларимизда бўлаётган ўзгаришлар, муаммолар жонли тасвирларда ҳақиқий ифодасини топган эди. Лекин бугунги кишиларни ҳаттоки жозибадор сўзлар ҳам анча толиқтириб қўйган. Қолаверса, сайилга келувчи ҳар қандай киши, аввалабор, руҳан дам олишни истайди. Ва яна шуниси борки, байрамларни санъаткорларсиз тантанали ўтказиш қийин. Масаланинг бу томони ҳам ҳисобга олинганди.

«Пионер Востока» рўзномасининг кичкинтой муштарийлари байрамга янгича руҳ бағишладилар. Улар ўз санъатларини намойиш этиш билан бирга болалар уйлари учун хайрия йиғишга ҳам улгурдилар.

Рўзномамиз ижодкорларининг байрам арафасидаги меҳнат маҳсулларининг якуни ҳақида унча-мунча фикрлар билдириш мумкин. Аммо сўз ортиқча. Синчков муштарийлар аллақачон баҳолаб бўлишган. Натижа маълум. Лекин икки оғиз қўшимча қилиш мумкин. Тиниб-тинчимас журналистлар Ислом Усмонов, Сафар Остонов, Муқаддас Абдусаматова, Саҳобиддин Сирожиддиновларнинг меҳнатларини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Яна нима дейиш мумкин?


Байрам байрамдек, оддий ва мазмунли, ортиқча кирим-чиқимсиз, ташвишсиз ўтсагина, юракка ҳузур бағишлар экан. Шундай эмасми?..

Тўлқин ҲАЙИТ.

●

СУРАТЛАРДА: байрам тантаналаридан лавҳалар.

Суратчилар: Муҳаммад АМИН ва Даврон АҲМАД.





Абдуқодир ота Абдуллаев (МАҲБУБИЙ) Хоразм вилоятида истиқомат қилади. У яқинда 86 баҳорни қаршилайди. Узоқ йиллар давомида Абдуқодир ота назмга ихлос қўйиб, ғазаллар битиб келади. Ўз машқларини шу вақтга қадар эълон қилдирмаган. Эътиборингизга отахон қаламига мансуб ғазални тақдим қилишни лозим топдик.

ВИСОЛ ОРЗУСИ

Эшитгил арзи аҳволимни эй гул, тут қулоғингда,
Ажаб девонавор бўлдим, сани излаб сўроғингда.
Карам қилгил манга бир кеча бўлмоқ васли боғингда,
Кўнгил парвонадек ёнмоқ тилар ҳусни чироғингда.
Гуноҳим бўлса авф этгин, қўяй бошим оёғингга,
Висолингга етургил, қўймагил ҳижрон доғингда.
Эрур ошиқларинг кўп, ман киби оввора бўлган йўқ,
Муҳаббат даштида Мажнун киби сайёра бўлган йўқ.
Сани деб кумила қардошидин бегона бўлган йўқ,
Малоҳат ташқаридин кўнгли юз минг пора бўлган йўқ,
Гуноҳим бўлса авф этгил, қўяй бошим оёғингга
Висолингга етургил, қўймагин ҳижрон доғинда.
Жунуним ҳаддин ошди, сўрмадинг ҳоли паришоним,
Нигоҳи марҳаматдин боқмадинг ой юзли жононим,
Карам бобини манга очмадинг, эй шоҳи хўбоним,
Муҳаббат дардидин ўлсам, нигоро бўйнингга қоним,
Гуноҳим бўлса авф этгил, қўяй бошим оёғингга,
Висолингга етургил, қўймагил ҳижрон доғингда.
Жаҳон бўлди қоронғу, э, ситамгар дуди оҳимдин
Муҳаббат аҳли ибрат олгуси чеккан фиғонимдин,
Куяр саҳрода Мажнун, сўзга тил очсам шароримдин,
Ҳазар қилмасдан эй лайливашим, бу оҳу зоримдин,
Гуноҳим бўлса авф этгил, қўяй бошим оёғингга,
Висолингга етургил, қўймагил ҳижрон доғингда.
Юрарсанми мудом ишқ устига кўксимни доғ айлаб,
Ки бу зорингни доим базм васлингдин йироқ айлаб,
Агар келсанг, шаби ҳижрон аро ҳолим сўроқ айлаб,
Юрак ёғин ёқай жон риштаси бирлан чароғ айлаб,
Гуноҳим бўлса авф этгин, қўяй бошим оёғингга
Висолингга етургил, қўймагил ҳижрон доғингда.
Дили жонимда васлингга етишмаклик ҳавосидур,
Бошимда эй жафогар, дарди ишқинг можоросидур,
Мени девонавор этган кўзи-қошинг қаросидур,
Йўлингда жон бериш Маҳбубий зоринг муддаосидур,
Гуноҳим бўлса авф этгин, қўяй бошим оёғингга,
Висолингга етургил, қўймагил ҳижрон доғингда.

МАҲБУБИЙ.

МАДАНИЯТ ЯНГИЛИКЛАРИ

БЕРУНИЙ ноҳиясидаги Султон Увайс бобо қабристонида қорақалпоқ мусиқа маданияти асосчиларидан бири Муса бахши ҳайкали ўрнатилди.

Муса бахши 1936 йилда камбағал деҳқон оиласида туғилган. Амударёда кема судровчи бўлиб ишлаган. У бир куни ўша вақтда машҳур бўлган Ахимбет бахши ҳақида эшитган ва унга шогирд тушган.

Муса бахши ажойиб овоз эгаси бўлиш билан бирга дуторни зўр чалган. У туркман Суйеу бахши, шоир Бердақ билан дўстлашган. Бердақ истеъдодли юртдошига ўзининг бир неча шеърини бағишлаган. Муса бахшининг «Етти довон», «Бурилиш», «Ошиқ Муса» асарлари қорақалпоқ шеърларининг ажойиб намуналари бўлиб қолган. Шуниси ачинарлики, бугунги кунда Қорақалпоғистонда Ахимбет бахши мактабининг атиги икки издоши — Кенжабой Тилеумуратов ва ёш бахши Турғунбой Қурбоновлар бор.

Амударё қуйи қисмининг аҳолиси мусиқашунос Тожигул Адамбоеванинг кўп йиллик изланиши туфайли Муса бахшининг ижоди билан танишди. Берунийликлар ўзларининг қадрдон шаҳрида Муса бахши соврини учун бахшилар беллашувини ўтказишни таклиф қилдилар.

* * *

ГАГАРИН номли тўқимачилар маданият саройида очилган кўргазмада ёш рассомлар ижоди ўзининг ранг-баранг қирралари билан намоён бўлди. «Родничок» («Чашма») студиясининг тарбияланувчилари бу ерда 400 тадан ортиқ ранг-тасвир ва акварель, графика ва майда пластмасса асарларини намойиш қилмоқдалар.

9 ёшдан 15 ёшгача бўлган рассомлар ўз қувонч ва ташвишлари, дунёни қандай тушунишлари ҳақида ҳикоя қиладилар. Улар табиат манзараларини, ўз дўстларини, севимли эртаклар қаҳрамонларини тасвирлаганлар. Ана шу асарларнинг мавзуи қандай бўлмасин уларнинг барчасидан самимият ва саҳоват, болаларча умидворлик, мўъжизага ишонч ўз ифодасини топган.

* * *

СУРХОНДАРЁ вилоятининг Ангор ноҳиясида «Истеъдод» адабиёт клуби очилди. Ноҳияда чиқадиган «Илғор» рўзномаси клубни ташкил этиш ташаббускори бўлди.

Педагогика билим юртининг ўқитувчиси филология фанлари номзоди Шайдулла Муродов клубга раҳбарлик қилмоқда. «Истеъдод» клуби ёшларни ҳозирги замон адабиётига ошно қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Бундан ташқари рўзнома ходимлари клуб аъзоларини муҳаррирлик иши, журналистика кўникмалари билан таништиради. Рўзнома бир ойда бир марта ёшлар ижоди намуналарини эълон қилишни мўлжалламоқда.

(ЎзТАГ).



МАҒЛУБИЯТГА ТЕНГ ДУРАНГ

Футбол мухлислари «Пахтакор» стадионидан қайтгач, «зангори экран» орқали Москванинг «Спартак» ва Киевнинг «Динамо» командалари учрашувини томоша қилган бўлишлари керак. Бу ўйинлар ўртасида ер билан осмонча фарқ бор.

Аввало, шуни айтиш керакки, «Пахтакор» Ставрополнинг «Динамо» командаси билан учрашувни дарвозабонсиз ўтказди, десак бўлади. Дарвозада турган Г. Безденежнихнинг борйўқлиги деярли сезилмади. У қайтариб қолиши мумкин бўлган икки тўпни индамай ўтказиб юборди. Ана шундан сўнг Безденежних ўрнига Е. Рохалин тушди. Бу дарвозабон ҳам томошабинларга синашта бўлмаганлиги учун ҳамма юрагини ҳовучлаб ўтирди. Хайрият, у дарвозада тургач меҳмонлар бирор марта ҳам хавфли ҳужум уюштиришга эриша олишмади.

Фақат дарвозабон эмас, балки бошқа футболчиларимиз ҳам кўнгилдагидек ўйин кўрсатишмади. Биринчи бўлимда пахтакорчилар руҳсиз ҳаракат қилишди. М. Биловнинг майдонга туширилиши ҳимоя чизиғини анча мустаҳкамлашга хизмат қилди. Учрашувни бой бераётган майдон эгалари бироз дадиллашишди. 63-минутда Г. Денисов ва 84-минутда И. Шквирин жавоб тўпларини киритишди. Шундай қилиб «Пахтакор» аранг дурангга эришди. Бироқ, олий лигага чиқишни мақсад қилган команда учун ўз майдонидаги ҳар бир duranг мағлубиятга тенгдир.

«Пахтакор» навбатдаги учрашувни 9 майда ўтказади. Кечаги турда Олмаотада «Қайрат»дан енгилган «Ростсельмаш» Тошкентда очко олиш учун бутун имкониятини ишга солиши табиий.

* * *

Шу турдаги қолган ўйинларда қуйидаги ҳисоблар қайд этилди: «Қайрат» — «Ростсельмаш» — 3:1, «Локомотив» (М) — «Локомотив» (Г) — 0:0, «Кузбасс» — «Факел» — 0:1, «Геолог» — «Нистру» — 3:1, «Шинник» — «Металлург» — 0:0, «Спартак» — «Зенит» — 5:2.

* * *

Суратда: «Пахтакор»нинг моҳир тўпурари Игорь Шквирин навбатдаги ҳужумни уюштирмоқда.

Сураткаш Муҳаммад Амин.

МУСОБАҚА ЖАДВАЛИ

	Ў	Ю	Д	М	Т	О
«Металлург»	7	4	2	1	9-3	10
«Геолог»	6	4	1	1	9-7	9
«Шинник»	6	3	3	0	6-1	9
«Динамо» Ст.	6	3	2	2	9-6	8
«Қайрат»	7	3	2	2	9-8	8
«Спартак»	5	3	1	1	11-4	7
«Факел»	6	3	1	2	8-5	7
«Нефтчи»	6	2	3	1	12-4	7
«Локомотив» М.	5	2	3	0	7-3	7
«Пахтакор»	7	2	3	2	11-12	7
«Нистру»	7	1	4	2	9-12	6
«Динамо» Сх.	4	2	0	2	2-3	4
«Котайк»	4	1	2	1	4-2	4
«Ростсельмаш»	6	1	2	3	7-11	4
«Зенит»	6	1	2	3	5-9	4
«Локомотив» (Г)	6	1	2	3	5-10	4
«Таврия»	5	0	4	1	1-2	4
«Кубань»	6	1	1	4	2-12	3
«Тирас»	5	0	3	2	3-9	3
«Кузбасс»	6	0	1	5	2-8	1

«РАДИОБЕЗОРИЛАР» ЖАВОБ БЕРИНГ...

Ўртача узунликдаги радиотўлқинлар сарҳадининг ёнгинасида деярли ҳар куни номаълум операторнинг сал хира овози эшитилиб қолади. Аввалига микрофон чийиллайди, сўнг «эшиттириш» бошланади:

— Ўрта тўлқинда ишлаётган барча радиооператорлар жавоб беринг, эфирда «Даҳшат». Бирлашганлар, эфирга чиқишингизни сўрайман, қабул.

Кўп ўтмай янги тўлқинлар пайдо бўла бошлайди:

— «Даҳшат» эшитдим. Мени танияпсизми? Ҳа, ўша ўзингиз билган «Апачи». Хўп, маълумот беринг, овозим қандай бораяпти? Модуляция яхшими, шовқин йўқми?

— Чақиришингизга жавоб бераяпман. Эфирда «Лўли бола»...

— Жуда яхши. Овозингиз тиниқ...

— Алло радиотўлқинда «Қирол». Жавоб беринглар...

Ана шу тўлқинларнинг пастроғида эса бошқа бири музика қўйяпти. Нарироқда эса яна бошқаси...

Булар — радиобезорилар.

Аҳён-аҳёнда ноҳия, вилоят рўзномалари саҳифаларида «Радиобезори — қўлга тушди» қабилидаги хабарларни ўқиб қоламиз. Мен ички ишлар бўлимлари ходимлари билан гаплашдим. Маълум бўлишича, улар ўрта ва қисқа тўлқинлар оралиғидаги авиаалоқа учун ажратилган жойга суқилиб кириб олишлари ҳам мумкин экан. Қўлга тушган безорига жарима солинади, унинг тўлқин узатувчи қурилмалари ва кучайтиргичлари мусодара қилинади. Мен уларнинг товушларини ёшлигимдан буён эшитаман. Номлари муттасил ўзгариб туради, янги-янги ҳаваскорлар пайдо бўладилар, чоралар кутилган натижани бермайди. Мусодара қилинган қурилма ўрнида янада кучлироқ янги станция пайдо бўлади. Буни радиобезорининг ўзи ясаб олади. Улар ўзларича кучли тўлқин уйғотувчи ва узатувчи асбоблар яратишади. Тебраниш даражаларини аниқ ўлчашади, овозни тиниқлаштириб берувчи (бундай қурилма АПЧ — «тебранишли автомат ростлагич» деб аталади) аппаратлар ясашади.

«Радиобезорилар ҳозир шунчалар билимдонки, — дейди бир дўстим, — қўпол-дан-қўпол шиша лампаларидан умуман фойдаланишмайди. Энди улар майдонли ярим ўтказгичларда ишлашга ўтишган. Ярим ўтказгичнинг тебраниш чегараларини ростлаш, таъминлаш блокининг чизмаларини ҳисоблаш қанчалик мураккаб иш? Майдонли транзисторлар эса ҳозирча фақат рангли телевизорларда-ю, олий даражадаги қурилмалардагина ишлатилаётир. Митти узатувчи қурилма ёрдамида радиобезори икки юз-уч юз километргача алоқа қила олади».

Кўчада махсус тутгичлар билан жиҳозланган милиция машинаси кезиб юрибди. «Безорилар» эса ҳатто чалғитувчи қурилмалар ҳам ихтиро этганлар. Бундай асбобларни эса махсус маълумотли мутахассисларгина ясай оладилар. Талончилик қилаётган безорини-ку тушуниш мумкин — у моддий бойлик учун шу йўлга киради. Аммо эфир тўлқинларида гаплашиш ва музика қўйиш-чи? «Безори» ундан қандай наф кўради? Балки, бу бир дўстим айтмоқчи пиромания (ёнғиндан сеҳрланиш) каби руҳий хасталикдир?

«Радиобезорилар» кўп, жумҳуриятимизнинг кўпгина шаҳар ва қишлоқларида истаганча топилади. Уларнинг ажойиб қонунлари ҳам бор. Ахлоқсиз сўзлар билан эфирга чиқаётган операторни бир зумда овозини ўчириб ҳам ташлайдилар. Ҳатто «Бирлашган операторлар» гуруҳи ҳам мавжуд. Унинг аъзоларидан бири Қўқонда, бири Андижонда, бири Риштонда, яна бири Ўшда... Ўрта мактабда орттирилган тор билим доираси билан улар шунақа асбоблар ясашяпти. Ҳатто, «безори»лардан бири, ўзининг айтишича, тракторчи экан.

Ваҳоланки, қисқа тўлқинлар сарҳадида радиоҳаваскорлар учун алоҳида жой ажратилган. Қачонлардир жумҳурият рўзномаларидан бири уларни тўгаракларга жалб этиш тўғрисида чиқиш ҳам қилган эди. Бироқ аҳвол ўзгармади. Эфирда ҳануз беҳисоб «Фантомас», «Шум бола», «Атиргул»лар фаолият кўрсатишяпти.

Шу вақтгача ҳаваскорларга радиобезори сифатида ёндашиб келинди. Балки, улар бир вақтлар физик бўлишни орзу қилгандирлар, Эйнштейндан тортиб Грабовский назарияларигача ўргангандир, аммо безорилик қилиш истаги эмас (ахир, ким «ке, одамларнинг тинчини бир бузиб қўяй» ёки «давлатнинг тайёрасини бир боплай» деган ниятда, кунлаб вақт ва маблағ сарф қилиб, аппарат ясайди?) аксинча қизиқиш ундаётгандир?

Тажрибали ҳуқуқшунос ёзган «Қинғир ишнинг қийиғи» номли китоб бор. Унда муаллиф реактив тайёра моделини ясаш учун мактабдан химикат ўғирлаган бола ҳақида ёзади. У ўқувчинигина қораламасдан, масаланинг ижтимоий томонига ҳам алоҳида аҳамият беради. Яъни, ўсмир қизиқишини етарлича баҳолай олмаган ва шароит яратиб, тўгаракларга жалб қилмаган ўқитувчиларни ҳам айблайди. Обрўли рўзномада эълон қилинган мақола муаллифи «радиобезорилар»ни тўгаракларга, чунончи, «Ёш техниклар станциялари»га жалб этиш тўғрисида ёзади. Ахир, улар кашшофлар ёки мактаб ўқувчилари эмас-ку? Ўттиз ёшли эркакни саккизинчи синф кашшофлари орасида «илм ўрганишини» тасаввур қилинг. Катталар учун тўгараклар қаерда бор?

Биз «радиобезорилар» билан мулоқотга кириша олмаймиз. Улар эфирда исмларини, кимликларини, яшаш жойларини яширадилар. Пайвандлаш асбобининг аччиқ тутуни аро яратган қурилмаларидан айрилиб қолиш ва жарима тўлаш хавфи шунга мажбур қилади. Бизда эса саволлар кўп: радиобезорилар, сизлар кимсиз? Балки, узатувчи ва қабул қилувчи, япон фирмаларини ҳам ортда қолдирадиган янги бир қурилма кашф этгандирсиз? Балки, сизга ёрдам керакдир? Эҳтимол, орангизда бутун дунё радиоҳаваскорлари ўртасида ўтказиладиган спорт ўйинларида ғолиб чиқишга қодир иқтидорли радиотехниклар бордир. Балки ундайлар бир эмас, ўнлабдир?

Хуллас, диққат қилинг, эфирда янги оператор:

«Ўрта узунликдаги тўлқинда ишлаётган барча радиооператорлар, эфирда «Ёш ленинчи». Жавоб беринглар, қабулдамиз».

Исажон СУЛТОНОВ.

ТВ

9 МАЙ — ЧОРШАНБА
ҒАЛАБА БАЙРАМИ

● ЎзТВ I

9.00 «Ҳужжатли экран». Ғалабанинг 45 йиллигига бағишланади. 10.00 «Ғалабадан сўнгги жанг». Бадиий фильм. 1-серия («Мосфильм»). 11.25 «Ҳарбий куй». Фильм-концерт. 11.50 Москва. **Қизил майдон. 1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Ғалаба байрамига бағишланган парад.** 13.00 «Сўнмас у кунлар шуҳрати». Халқлар дўстлиги музейидан репортаж. 13.35 «Ғалабадан сўнгги жанг». Бадиий фильм. 2-серия. 14.50 «Ўлимларни қолдириб доғда...». Жангчи адиб Вали Ғофуров ижодига бағишланади. 15.50 Мактаб ўқувчилари учун. «Оталар изидан».

* * *

16.35 Кўрсатувлар тартиби. 15.40 Мульфтильм. 17.00 Футбол бўйича мамлакат биринчилиги. «Пахтакор» — «Ростсельмаш» (Ростов-Дон). «Пахтакор» Марказий стадионидан репортаж. Танаффус пайтида — Телефильм. 18.50 Москва. Фашизмга қарши жангларда қурбон бўлганларнинг порлоқ хотираси. Сукут дақиқалари. 19.05 Тўқимачилар Маданият саройи Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветеранлари халқ хорининг концерти. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 «Ғалаба байрами». Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондони, генерал-полковник И. В. Фуженко сўзи. 19.55 Тошкент отчопарида бадиий-спорт байрамидан репортаж. 20.35 Москва. «Вақт». 21.05 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ғалаба баҳори». 22.00 «Ахборот». 22.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ғалаба баҳори» (давоми). 23.00 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Жаноби буюк Новгород». Бадиий фильм («Мосфильм»). 00.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● МТ I

7.30 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати. 7.50 «Олтин кийик». Мультфильм. 8.30 «Мангу—19». Телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар (Одесса киностудияси). Премьера. 11.05 «Қалбга яқин қўшиқлар». 11.50 Москва. **Қизил майдон. 1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Ғалаба байрамига бағишланган парад.**

«Ёш ленинчи» рўзномаси жамоаси ҚҚАССР ва Хоразм вилоятлари бўйича сураткаш мухбир Ж. Қозоқовга онаси

Малика ҚОЗОҚ қизи

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

«Ёш ленинчи»
«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издается на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.
ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.
ИНДЕКС: 64607.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Р. — 03206. Д. — 23460.